УССР Давлат матбуот палатасининг Инв. № Гос. книжная палата УССР

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

№ 78 (6574).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ИСТИҚБОЛНИНГ ОЧИҚ ЭШИКЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонимизда янги ўқув йили бошланди. Ҳамма соҳада бўлганидек, биринчи сентябрь куни Мустақиллик байрами халқ таълими тизимларида ҳам кенг нишонланди. Худди шу куни мактабларимиз, боғчаларимиз, ҳунар-техника билим юртларимиз, олийгоҳларимиз янгича жиҳозланди. Тимсолларимиз учун махсус бурчаклар ташкил қилинди. Бир ҳафта давом этган бу шодиёна кунларида ҳашарлар уюштирилди. Сентябрнинг биринчи кунида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида мустақиллик машғулоти ўтилди. Боғчаларимизда шу мавзуда эрталиклар бўлиб ўтди. Мустақиллик машғулотларида байроғимиз, гербимиз, Президентимиз фаолияти ҳақида суҳбатлар бўлди. Доимий давом этиб келган билимлар, тинчлик куни ана шу асосга қурилди.

Мана, орадан бир йил ўтиб кетди. Серқуёш Ўзбекистонимиз оламга танилди. Дунё харитасидан мукаммал ўз ўрнини эгаллади. Мустақиллик халқимизга осойишталик, ҳамжиҳатлик ато этди. Бунинг барчаси республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги орқали амалга ошди.

Биз сиёсий жиҳатдан мустақил бўлганимизни бутун башариятга намойиш қилдик. Иккиланиш, шубҳаларга чек қўйдик.

Хабарингиз борки, собиқ шўро тузуми кўрнинмас иплар билан барча жумҳуриятларни бир-бирига иқтисодий жиҳатдан боғлаб ташлаганди. Тегирмон бизда бўлса, буғдойини Олтой ёки ундан наридан ташиб келтирардик. Деярли ҳамма соҳада шу тартиб эди. Савдо пештахталари, дўконларимизнинг бирдан шип-шийдон бўлишига ана шу кўз илғамас, мажбурий мутелик, боғланишлар ҳам бош сабаб бўлди.

Албатта, бирорта мамлакат ташқи дунё билан алоқа қилмасдан ривожлана олмайди. Биз энди ўша эски алоқаларнинг бир қисмини сақлаб қолиб, хомашёни ўзимизда қайта ишлаб чиқаришга ўтабошладик. Шу мақсадда республикамиз Президенти бир қатор тараққий этган давлат бошлиқлари билан битимлар, шартномалар тузди.

Ўзбекистоннинг тамбаланган эшиклари жаҳонга очилди. Асл маънодаги ишбилармонлик фасли бошланди. Иқтисодий мустақиллигимиз ўзимизга, кўзланган мақсадимизга боғлиқ.

Мустақиллик республика халқ таълими учун ҳам янги уфқлар эшигини очиб берди. Мактабларимизга янги руҳ кириб келди. Эски қолипдаги тушунчалар, бир хилликлар деярли ўз умрини яшаб бўлди.

Айтиш мумкинки, дадиллик, ўз-ўзини таниш, таниташ фасли бошланди. Ҳар биримиз ўзимизнинг нимага қодир эканлигимизни англаб етдик. Чунки имонихтиёр ўз қўлимизга тегди. Мутеликдан қутулдик. Шу ўринда маънавий мустақилликка эришганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Негаки, бу биз учун ўта муҳимдир.

Собиқ тузумда деярли барча дарсликлар, методик қўлланмалар, дастуру низомлар, йўриқномалар марказда тасдиқланиб, яна шунга амал қилиш учун биз томонга тарқатиларди. Биз фақат ижрочи эдик. Маънавий мустақиллик бизга ҳур фикрлашни, юзага келтирди, таълимга бўлган масъулиятимизни оширди.

Биз иқтидор ҳақида кўп гапирардик-ку, лекин уни асраш, авайлаш ҳақида камдан-кам ўйлардик. Бир хиллик, бир хил таълим тизими, бир хил ўқитиш, бир хил фикрлашга зўр берардик. Деярли ўқувчининг қизиқиши, истаги, эҳтиёжи, қобилиятига эътибор бермасдик. Ният ҳаммани саводли қилиш эди. Саводликнинг эртанги куни зарур-нозарурлиги бизни қизиқтирмасди. Ҳамма соҳада бўлганидек, педагогик кадрларни тайёрлашда ҳам режасизлик ҳукмрон эди. Бизга педагогик кадрлар беринг, деб олий минбарлардан қилинган арзлар, уларнинг натижаси ҳақида гапириб ўтириш ҳозир ортиқча. Аммо бир номутаносибликни айтмасак бўлмас. Халқ таълими тизимида 8524 та умумтаълим мактаби, 469 та ҳунар-техника билим юрти, 3096 та мактабгача тарбия муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 284 минг умумтаълим фанлари ўқитувчиси, 12 минг ишлаб чиқариш устаси, 2,7 минг махсус фан (предмет) ўқитувчиси ва 45 минг мактабгача тарбия муассасалари педагог ходими ишламоқда. Сифат таркибига кўра, фан ўқитувчиларининг 79,8 фоизи, ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчиларининг 83,1 фоизи, ишлаб чиқариш усталарининг 21,6 фоизи олий маълумотга эга. Мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларининг эса 19,7 фоизигина олий, 71,6 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Ёшларни қабул қилиш, битирувчиларнинг тақсимланишини режалаштиришда мақбулликнинг йўқлиги педагогик кадрларни тайёрлашда сифат ва эҳтиёж ўртасидаги нисбатнинг номувофиқлигига олиб келди. Кадрларни тайёрлашга ялпи ёндашишда ўқитувчиларнинг маълумот даражасига эътибор берилмади. Йилдан-йилга ўрта махсус маълумотлилар тайёрлашга зўр берилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг сиртқи бўлимига қабул орта борди.

Шунингдек, тайёрлаш билан эҳтиёж ўртасида ҳам мутахассислик, ҳам ҳудудий жиҳатдан номувофиқлик мавжуд. Баъзи фанлардан ўқитувчиларнинг ортиқчалиги билан бирга мусиқа, чизмачилик, жисмоний тарбия, ўзбек тили ва бошқа фанлардан ўқитувчилар етишмаяпти. Ўқитувчилар йўқлиги туфайли жумҳуриятдаги бир қатор мактабларда у ёки бу фандан дарс олиб борилмайди. 100 дан ортиқ мактабнинг айрим синфларида математика, физика, кимё, тарих, ўзбек ва чет тиллари ўқитилмайди. Бундай фактлар Жиззах, Наманган, Қашқадарё вилоятлари мактабларида мавжуд. Маълум фанлар бўйича ўқитувчилар етишмаслиги туфайли ўтказилмаган ўқув машғулотларининг асосий қисми Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Самарқанд вилоятининг Ургут, Сирдарё вилоятининг собиқ Ильич, Қашқадарё вилоятининг Муборак ноҳияларига тўғри келади. Жиззах, Наманган, Навоий шаҳарларида ўқитувчилар билан тўла таъминланмаган мактаблар оз эмас. Бир қатор мактабларда айрим фанлар бўйича ўқитувчилар етишмаётган бир даврда олдинги йиллар битирувчиларидан минглаб ўқитувчи ва тарбиячилар ишга жойлашиш учун шаҳар ва ноҳия халқ таълими бўлимларида навбатда турибдилар. Мазкур тоифадаги ходимларни ишга жойлаштириш Хоразм, Андижон, Фарғона вилоятларида катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Кадрлар ортиқчалиги асосан мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчиларига, яъни педагогика билим юртларида зўр бериб тайёрланган мутахассисларга тўғри келади.

Шу муносабат билан ҳар бир вилоятда ўқитувчилар тайёрлашни мактаблар эҳтиёжига суянган ҳолда тезда истиқбол режалари ишлаб чиқиш зарур.

Диплом кетидан қувиш, унинг натижаси нималарга олиб келгани бугун ҳаммага маълум. Олдинлари бу ҳақда камдан-кам бош қотирганмиз. Икки йил аввал ўқитувчининг маоши пастлиги натижасида жуда кўп дипломли мутахассислар ўзўзидан мактабни тарк этиб, бошқа сердаромад соҳанинг этагини тутишди.

Таълим-тарбиямиз эътиборсиз қолган йилларда даромад чиқадиган жойларни излашлар кўпайди. Мактабга иқтидорли ўқитувчи кераклигини мутлақо унутдик. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда бир пайтлар мактабни ташлаб кетганлар энди яна мактабга қайта бошлашибди. Балки, мактабни соғиниб қайтаётган шахслар ўта иқтидорлидир. Афсуски, масаланинг бошқа томони ҳам бор-да. Халқ таълими ходимлари маоши оширилаётган, турли имтиёзлар берилаётган бир пайтда мактаб остонасини пок билиб, умрини шу даргоҳда ўтказаётган ўқитувчилар жамоаси мактабни соғиниб келаётганларни қай йўсинда қабул қиларкин? Бу масалани эслатиб ўтишдан мақсад — мактаблар қўналга майдони эмас. Бугун мустақил республика мактабларига фидойи ўқитувчилар керак.

Ўтган йили республика мактабларида тоифалаш ўтказилди. Бу усул биринчи тажриба бўлгани учун баъзи бир қусурларга йўл қўйилгани табиий. Буни то кечаги кунгача вазирликка келган арз ва шикоятлардан ҳам билиб олса бўлади. Бу йил эса янгидан ўқитувчилар битим асосида ишга қабул қилиндилар. Икки томон ҳамкорлигида тузилган битимда барча талаблар, таклифлар ўртага қўйилди. Йил давомида ҳар бир ўқитувчи қилган ишининг баҳосини олади. Шу жиҳатдан бундан кейинги асосий баҳо — болага бўлган меҳр ҳисобланади. Имтиёзлари, маоши учун мактабни кўзлаганлар сафи бора-бора камаяди. Янги ўқишга кирувчилар учун ҳам биринчи синов имтиҳони болага меҳридан бошланади.

Мактаб ҳаётига яқинда ҳукуматимиз томонидан тасдиқланиб ҳавола этилган контракт (битим) асосида ўқитувчиларни ишга қабул этиш мактаб раҳбари ва ўқитувчидан катта масъулият талаб этади.

(Давоми 3-бетда).

ТОЖИКИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАРИМГА МУРОЖААТ

Ассалому алайкум, қимматли ва азиз касбдошлар!

Шу кунларда сизларнинг диёрингизда юз бераётган аҳвол барча-барчани чуқур қайғуга солди. Ўзбекистондаги касбдошларингизнинг уйқулари безовта десам лоф бўлмайди. Зеро, биз даҳшатли, чидаб бўлмас уруш йиллари неча-неча юзлаб мурғак мактаб ўқувчиларининг кўзларидан оққан шашқатор ёшларини ҳануз эсимиздан чиқарганимиз йўқ. Аммо эндигина ўша даҳшатли уруш қабоҳати фаромуш бўлаётган ва республикамизда мустақиллик тантаналари давом этаётган бир замонда қўшнимиздагина эмас, қиз олишиб, қиз берган қуда-қудағайларимиз ва, ниҳоят, жондан азиз ширинтой фарзандларимизнинг кўзларида нам кўриш кимнинг кўнглига сиғади!

Мустақил бўлдик! Динимиз равнақ топди! Тангримизга минг бор шукр! Халқимиз: «Бўлинганни бўри ер», «Бир кун жанжал чиққан ерда қирқ кун барака кўтарилади», деган. Шундай тинч замонда, ўзаро келишолмай, ўринсиз қон тўкишлардан ким ғамгин-у, ким хурсанд! Араз қилмайлик! Араз бор ердан ғараз аримайди! Кўзимизни очиб, огоҳ бўлайлик. Қадрият, баракат кетмасин. Ахир, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига «Қимки жаҳли чиққанда вазминлик қилиб ўзини боса олса, ўша одам энг кучлидир», деган эканлар. Гина-кудурат, араз ва келишмовчиликларни йиғиштириб, ақл-идрокли бўлайлик. Донолар «Агар ақл ғафлатга ботса, мудҳишликлар юз беради», демишлар. Ахир ҳадисларда ҳам: «Тангри икки гуноҳи азимни у дунёда эмас, бу дунёда жазолармиш: бири бировларга зулм қилганни, иккинчиси — ота-онасини хўрлаганларни», дейилган.

Демак,
Зулм айлама ҳайвонга ҳам,
Оқил инсон бўлсанг агар.
Тангри ажрим бераркан,
Сен ҳаёт бўлганда ҳам.

Азиз ва қадрли касбдошларим! Сизлар болаларимизнинг устози ва мураббийсисизлар. Устоз — падар, деган халқимиз. Агар гўдакларингизнинг ва ота-оналарингизнинг қонлари оқиб, кўз ёшлари тўкилса, ўша ерга узатилган бизнинг қизларимиз ва неваражонларимизнинг ҳам кўз ёшлари тўкилишини эшита туриб тинч ухлашимиз мумкинми?!

Ўтган йили ёзда биз билан қўшни республика одамлари ўртасида бир нохушлик юз беришига сал қолди: тадбиркор Президентимиз Ислом Каримов катта бошини кичик қилиб ўша ерга бориб, бир отанинг боласимиз, ака-укамиз, қуда-қудағаймиз, дея икки халқни апоқ-чапоқ қилиб қўйди.

Тожикистондаги нохуш воқеалар ҳақида куни кеча журналистлар билан учрашувда Ислом Каримовнинг юракдан чиқариб айтган сўзларини ҳар бир ақли расо кишининг дилидаги ниятлари деб қабул қилиш мумкин.

Қудажонлар, қуда ойижонлар! Бир китобнинг икки бетидек ён қўшни, жон қўшни, биродари азизларимсиз! Келинг, ақл-идрок билан ўзаро ҳамдўстлик, тинч-тотувлик тамойилларини тарғиб қилайлик!

Сиз, азиз ҳамкасбларим, бутун куч-қувватингизни, идрокингизни ишга солиб, диёрингизда тинчлик ўрната оласиз, деб ишонамиз.

Аллоҳумма, сизларга тинчлик, омон-эсонлик, дўсту биродарлик, осойишталик, фаровон ва бахтиёр ҳаёт тилаб: Тошкент вилояти Қибрай районидаги Ҳамза номли 30-ўрта мактаб ўқитувчилари номидан

Раҳмат АЗИЗХЎЖА ўғли,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ИЗЛАНИШ ИЖОДНИНГ ДЕБОЧАСИ

Истеъдод куртакларини ривожлантириш болалар боғчалари ходимлари зиммасига юклатилган. Шаҳрихон район халқ маорифи бўлими болалар боғчалари тарбияланувчиларининг истеъдод танловини ўтказди. Бунда мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари иштирок этдилар. Танловда келажак эгаларининг маҳорат салоҳиятлари инобатга олинди. Хусусан, шакллар ясаш, расм чизиш, қирқиб ёпиштириш, либосларни бичиш бўйича баҳолар белгиланди.

Ўринларни тақсимлашда ҳакамлар ҳайъати гуруҳлаб баҳолашни лозим топди. 1-ўринга 18, 19, 27, 10, 2-ўринга 14, 29, 34, 3-ўринга 2, 44 боғчалар муносиб деб топилди.

Ғолибларга мукофотлар берилди.

М. РАҲМОНОВ.

Қонун қандай амалга оширилмоқда?

БИР ҚАДАМ ОЛҒА

Ўзбекистон Олий Кенгашининг сўнгги сессиясида қабул қилинган қонун лойиҳалари ичида энг муҳимини алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин — уларнинг ҳаммаси фавқулодда долзарб, бизда халқчил жамият яратиш учун қўйилган олға қадамдир. Мен эса маълум сабабларга кўра таълим тўғрисидаги Қонун хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Лойиҳани ишлаб чиқувчи қўмита аъзоси сифатида шуни айтишим мумкинки, у икки йил давомида тайёрланди. Эксперт гуруҳлари дунёдаги қатор ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Франция, Швейцария ва бошқа давлатларда тайёрланган ана шундай ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқдилар. Назаримда, барча ҳужжатлардаги энг илғор фикрлар у ёки бу шаклда Қонунда ўз ифодасини топган.

Таълим тўғрисидаги Қонун илк бор давлат таълим муассасаларини сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатларидан ҳоли деб эълон қилди. Шу тариқа мактаб, олий ўқув юрти ва ҳунар-техника билим юртининг бирон-бир тазйиқсиз мустақил фаолият кўрсатиши учун имконият яратилди.

Қонун муқаддимасида таълим республикада устун соҳа деб эълон қилинди. Бу унга келажакда етарли эътибор берилишини билдиради. Шу тариқа ҳамманинг жонига теккан «қолдиқ принципи»га барҳам берилди.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталмоқчиман. Тарихда биринчи бор бепул таълим билан бирга пуллик ўқиш қонунийлаштирилганди. Гарчи таълимнинг бу шакли амалда фаолият кўрсатаётган бўлса-да, эндиликда у ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Шу билан бирга шундай шубҳа ҳам туғилиши мумкин: хусусий мактаблар нима бўлади? Бу соҳада ҳам ҳамма нарса аниқ белгилаб берилган. Барча таълим муассасалари, фаолият шаклидан қатъи назар, ўқувчиларга умумий қабул қилинган мавжуд стандартлар бўйича билим бериши керак. Яъни якуний натижа давлат таълим муассасалари томонидан мунтазам назорат қилинади. Ягона намунадаги тегишли ҳужжатларни фақат аттестация комиссияси беради.

Қонунда келгусида мактабга, болалар боғчасига фаол ёрдам берувчиларга ҳам муносабат билдирилган. У корхонами ёки ташкилотми, ҳаммасига турли имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Очиқ айтишим керак, мени ушбу модда жуда қувонтирди. Чунки оталиқ корхоналари билан мактаб муносабатида кўп нарса ўзгаргани йўқ. Энди бўлса, муз жойидан кўчишига шубҳа қилмаса бўлади.

Менимча, бугун кўпчилик таълим ҳисобига иқтисод қилиш мумкин эмаслигини тушуниб етди. Жамият таълимга маблағни аядими, эртага ҳеч нарса ололмайди. Ҳолбуки, республикага бугун ақлий кучлар ниҳоятда зарур.

Шаҳримизда фавқулодда молиявий муҳтожликка қарамай, маориф эҳтиёжлари учун 80 миллион сўм маблағ ажратилган. Бизга эса, энг сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, ками билан 112 миллион сўм керак. Бизни, айниқса, мактаб биноларини жиҳозлаш ва таъмирлаш ишлари жуда қийнади. Чунки таъмирлаш учун маблағ тўқсонинчи йиллар даражасида ажратилган. Қурилиш материаллари баҳоси эса ўша даврдан бўён 15-20 баравар ўсиб кетди.

Ишончимиз комил, энди ишларимиз таълим тўғрисидаги Қонун тўла куч билан ишлай бошлагандан сўнг тубдан ўзгариши муқаррар.

М. ХЎЖАЕВ,
Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"га

1993 ЙИЛ УЧУН

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома "МАЪРИФАТ" 64595 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи

64595 (нашр кўрсаткичи)

"МАЪРИФАТ"

(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш: Баҳоси Сўм; Баҳоси Сўм; Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Шу йил ёз фаслида нукуслик зиёкор Абдикарим Латипов ҳаётида муҳим воқеа юз берди. У муборак ҳаж сафарига бориб қайтди. Энди уни, Маяковский номли мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарини, Абдикарим ҳожи Латип ўғли деб атайдиган бўлишди. Биз яқинда Абдикарим ҳожи ҳузурида бўлиб, у билан суҳбатлашдик.

КАЪБАТУЛЛОҲНИ ЗИЁРАТ АЙЛАГАН ЗИЁКОР

— Абдикарим, айтинг-чи, ҳаж сафарига отланиш нияти Сизда қачон пайдо бўлган?

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Саволни бекорга бермагансиз, албатта. Отам раҳматлик ҳожи бўлган. Эсимда, ҳаж сафари ҳақида бизларга ҳикоя қилиб берарди. Энди билсам, ислом динининг инсонийлик сифатларини биз — фарзандларига сингдирар экан. Дарҳақиқат. ислом динига чин эътиқод қўйганлар ўғрилик, ёлғончилик, одоб-ахлоқсизлик кўчасидан юрмайди-ку! Отам менга эски ёзувни ҳам ўргатган эди. Сўнг мустақил ўқиб такомиллаштирдим. Эски араб имлосидаги ёзувни ўрганиш бўйича олти ойлик курсни битирдим. Номоз ўқийман. Уч йил бурун ҳажга бориш ниятимни Қорақалпоғистоннинг тегишли раҳбарлик ташкилотларига билдирдим. Оллоҳ-таолога минг қатла шукрлар бўлсинким, эзгу ниятим — армоним амалга ошди.

— Маблағ масаласи қийин бўлгандир, ҳажга боришнинг ўзи бўлмайди-ку, ахир?

— Ҳа, тўғри айтасиз. Ўқитувчида ортиқча маблағ қаерда бўлсин. Аммо чин эътиқод бўлса, кўзланган мақсад сари бир қадам ҳам ортга чекинмасанг, орзулар ушалар экан. Москвадаги Халқ академияси ёрдам берди. Ўша гуруҳ ичида кетдим. Умуман, бу йил Қорақалпоғистондан жами 16 киши ҳажга борди. Моваройнаҳр бўйича эса 5 минг одам Каъбатуллоҳни зиёрат қилди. Бу, албатта, мустақилликка эришганимиз шарофатидандир.

— Ҳаж таассуротлари ҳақида қисқача тўхталсангиз.

— Тўғрисини айтсам, ҳажга борган одам оламга янгидан келгандай ҳис қилади ўзини. Чунки янги туғилган чақалоқ қандай пок бўлса, Каъбатуллоҳни зиёрат айлаган киши барча гуноҳларидан фориғ бўлиб, ўзининг дилини поклайди. Ҳажга сафар муддати (жами 18 кун) кўз очиб юмгунча тез ўтиб кетса ҳам, аммо унинг таассуротлари бир олам бўлиб қалбингда абадий муҳрланиб қолади.

4 июнь куни Жидда шаҳрига самолётда учдик. Ўша куни кечқурун Жиддага етиб келдик. Кейин Макка шаҳрига жўнадик. Моваройнаҳрдан келганлар учун алоҳида ажратилган меҳмонхонада жойлашдик. 5 июнь куни тонгда туриб, муқаддас Каъбатуллоҳни (Оллоҳнинг уйини) зиёрат қилиб, уни 7 марта айландик. 2 ракат номоз ўқидик. Сўнг обизамзам сувидан ичиб, Сафо ва Марв тоғини 7 марта айландик. Бу ер узунлиги 500 метр, эни 10 метрлик икки йўлдан иборат, ўртасида икки кичкина арава юрадиган йўл бор. Одамлар лиқ тўла. Ўша куни Каъбада жума намозини ўқидик. Бизлар подшоҳнинг меҳмони ҳисобланардик. Шу туфайли меҳмонхона, овқат, автобусда юриш бепул эди. Каъбатуллоҳда хизмат қилувчиларнинг ўзи 10 мингга яқин деб айтишди.

Ал-Хоран масжидининг тўрт томонида 12 та дарвоза бор. Масжид икки қаватли. Ўртада муқаддас Каъба тош. Унда қора духобадан тикилган махсус ёпинчиқ (Каъба пўш) бор. Олтин ҳарфлар билан ёзилган ёзувлар ялтиллайди.

Маккадан 7—8 километр олисдаги Мина деган ерга бориб, чодирларга жойлашдик. Бу ҳаж сафарининг иккинчи шарти эди. Минада — Арофатда минглаб чодирларни кўриш мумкин эди. Соядаги иссиқлик 45 — 50 даражада. Арофат тоғининг Жабалур Раҳмад тепалигига чиқдик. Шу ерда кун ботгунча дуо-илтижо қилдик. Пешин ва номозшом намозларини қўшиб ўқидик. Кун ботгач, Муздалафа деган ерга бориб, шайтонга отиш учун ҳар биримиз 49 тадан тош тердик. Қурбонлик расмини бажардик. Кейин Мадина шаҳрига кетдик. Ораси 500 километр. Мадинада Муҳаммад пайғамбаримизнинг қабрини зиёрат қилдик. Масжидда намоз ўқидик. Мадина шаҳри билан танишдик. Дастлаб Муҳаммад пайғамбаримиз бино қилдирган Куба масжидини, яъни туя чўккан ва биринчи марта намоз ўқилган ерни кўрдик. Кейин Ҳуд тоғига бориб, Амир Ҳамзанинг шаҳид бўлган жойига етиб келдик. Биринчи марта Каъбага қараб намоз ўқилган масжидда бўлдик. Қисқаси, олган таассуротларимиз ниҳоятда бой.

— Абдикарим, сафар чоғида ватандошлар билан учрашишга тўғри келдими? У ердаги мактаб-маориф ишлари ҳақида нима дея оласиз?

— Жидда шаҳрида яшайдиган ватандошимиз Абибулла деган киши билан учрашиб қолдим. У асли Нукус районидан экан. Миллати — қорақалпоқ. Тижорат ишлари билан шуғулланаркан. 1935 йилда Афғонистонга, кейин Покистонга ўтган. Ҳозир Нукусдаги қариндош-уруғлари билан алоқа қилиб тураркан. Абибулла орқали маориф ишларига доир баъзи бир нарсаларни билиб олишга ҳаракат қилдим. Саудия Арабистонида ўғил болалар алоҳида, қиз болалар алоҳида ўқитилади. Уларнинг яхши таълим олиши учун барча шароитлар мавжуд экан. Хусусий мактаблар ҳам, давлат мактаблари ҳам болалар хизматида. Ҳар ким имкониятига яраша фарзандларини хоҳлаган мактабида ўқитади. Мактаблар замонавий техника, компьютерлар билан яхши таъминланган. 10-синфни битирган ёшлар коллеж ёки лицейларга киради. Олий ўқув юртлари ҳам мавжуд. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи Оврўпо фильмлари тақиқлаб қўйилган. Шу нарса маълум бўлдики, бола тарбиясига, айниқса, оилада катта аҳамият берилар экан.

— Сўнгги савол: Сиз зиёкорсиз. Шу нуқтан назардан дин ва мактаб таълими хусусида қандай мулоҳазаларингиз бор? «Одобнома»ни ўқитиш юзасидан қандай фойдали таклифларни киритар эдингиз?

— Сир эмас, диннинг моҳиятини ҳали кўп одамлар тушунмайди. Ахир, 74 йилдан буён онгимиз атеизм билан заҳарланиб келди-ку! Бу ўринда мен «заҳар» сўзини бежиз ишлаётганим йўқ. «Дин — халқ учун афъюндир», яъни заҳардир деган ақидани узоқ йиллар давомида халқимиз онгига, фарзандларимиз онгига қуйиб келдик. Аён бўлдики, бу гапни ташвиқот қилишнинг ўзи қалбларни заҳарлаш билан баравар экан. Ахир, ислом дини кишиларни эзгуликка, адолатга, дўстликка, покликка, тўғриликка чорласа, қандай қилиб у «заҳар» бўлиши мумкин? Ҳадисда айтилганидек, «дин — насиҳат» экан, унинг одоб-ахлоқ ҳақидаги қоидаларини ўқувчиларимизга ўргатсак, бунинг нимаси ёмон? «Мусулмончилик» деган сўз асрлар давомида халқимиз ўртасида «инсонпарварлик» маъносида ҳам ишлатилганлигини унутмаслик керак. Ота-боболаримизнинг энг оғир сўзи «Сен мусулмон эмассан» (яъни одам эмассан) деганларини ҳозирги ёшларимизнинг барчаси ҳам билишавермайди.

Мактабда «Ислом тарихи» ўқитилиши айни муддао бўлди. Бу йўлни давом эттириш керак. «Одобнома»га келсак, шуни айтишни истар эдимки, уни юқори синфда эмас, биринчи синфдан бошлаб ўқитиш лозим. Унинг материалларини кенгайтириш, ёш хусусиятларига қараб ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқдир. «Одобнома» дарслигида ибратли ҳикоятлар, ҳикматли гаплар, мисоллар кўп бўлиши керак. Унга ажратилган соатларни ҳам кўпайтириш маъқул бўларди. «Одобнома» ўз номи билан ҳам энг муҳим фан эканлиги шундоққина кўриниб турибди-ку. Биз ўқитувчилар ёш инсонни шакллантирар эканмиз, бу борада одоб-ахлоқ биринчи даражали аҳамият касб этади, албатта. Шуни унутмайлик.

— Жуда тўғри айтдингиз. Қизиқарли суҳбат учун Сизга ташаккур!

Суҳбатдош
Ғ. ЕҚУБОВ.

НОН ЎРНИГА ЎҚ

«ИЗВЕСТИЯ»НИНГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ ВАДИМ БЕЛИХ БИЛАН НИКОЛАЙ БУРБИГА ТОЖИКИСТОНДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

— Бу ерда ким хўжайин? Биз хўжайинмиз... — пешонасига оқ рўмол боғлаб олган, кўзлари ола-кула барзанги «Уазик» машинамизнинг эшигини очдида, овозини борича бақирди:

— Чиқ бу ёққа...

Биз, икки мухбир, ҳайдовчи аскар билан ҳамроҳимиз подполковник бизга қаратилган автоматларнинг сумбатига тикилиб, машинадан тушдик. Соч-соқоли олинмаган, дарғазаб бир неча жангари ҳужжатларимизни кўздан кечира бошлади, бошқалар машинани тинтишга киришдилар. Улар биз билан бирга кетаётган одамларнинг ҳарбий кийимларига ҳам, антеннага илиб қўйилган Россия байроғига ҳам парво қилишмади.

Ҳолбуки, бу байроқни бутун қисм қидирган эди. Ҳатто йўлга чиқишга ҳам кечиктик. Ҳеч бўлмаса шу байроқ машинамизни саёқ ўқлардан ва йўлдаги тўсиқлардан асрайди, деб умид қилган эдик. Полк командири Меркулов жангариларнинг раҳбарларига телефон қилиб, уларни огоҳлантирган, тегмасликни илтимос қилган эди. Унга ҳамма ваъдани беришган, лекин йўлимизни тўсган автоматчиларнинг ўз раҳбари ваъдаси билан икки пуллик иши йўқ эди. Кўзига қон тўлган, жазо йўқлигидан ва осонгина ғалабадан маст бўлган бу одамлар ҳеч кимга бўйсунишни хоҳламас эдилар. ..

«ВОВЧИК»ЛАР ВА «ЮРЧИК»ЛАР

Қўрғонтепадаги уйларнинг деворларида варақалар пайдо бўлди. Бу варақалар осойишталикка ва ишга чиқишга даъват этади. Лекин уларга ҳеч ким ишонмайди. Бу ҳам тушунарли: отишма тинмаяпти, ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси ҳам дафн этилгани йўқ. Аслида, шаҳарда янги ҳокимият ҳукмрон. Амалдорларнинг кўпчилиги ўз лавозимларида қолган бўлса ҳам, энди улар ҳеч нарсани ҳал қилишмайди. Ҳамма ишга «вовчик»лар бошчилик қилишмоқда. Ҳозирги пайтда Тожикистонда ваҳобийларни — мусулмон динидаги ақидапарастликка қаттиқ берилган оқимга мансуб кишиларни шундай деб аташади.

«Вовчик»лар сафларида асосан ғармликлар, қоратегинликлар, помирликлар жанг қилишмоқда. Айтишларича, уларни ислом тикланиш партияси қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг рақибларини «юрчик»лар деб аташади. Улар асосан қўлобликлар, Хўжанд (собиқ Ленинобод) вакиллари, шунингдек, бўлғуси соф ислом тожик республикасида жой топилмайдиган кишилар — руслар, ўзбеклар, қирғизлар, татарлар, туркманлардир... Тўғри, бу қарама-қаршиликни аслида шартли деб ҳисоблаш мумкин, чунки, маълум бўлишича, республика аҳолисининг кўпчилиги «юрчик»лар билан «вовчик»лар нима учун жанг қилаётганликларини, уларнинг ўртасида қандай тафовут борлигини билмайди. Ҳа, бирбирига қарши томонларнинг кўпгина жангчилари «бизникиларни отишяпти — биз қараб турамизми»... қабилида ҳаракат қилмоқдалар.

Марҳумлар қаторига янгиси қўшилиши биланоқ унутилиб кетган ашаддий ўч олиш яна тикланмоқда. Кўз олдимизда муддатдан ташқари хизмат қилаётган катта сержант Олег Муродов полк командирининг ҳузурига келиб, Сангак исёнчилар армиясига қўшилажагини айтди. Финляндияда таълим олган бу менежерга ҳаётда шундан бошқа йўл қолмади. Унинг онаси ва хотини — рус, аммо отаси кўлоблик, икки акаси бошқа томонда жанг қилмоқда. Шу сабабли қисмда Муродовга ишонишмайди, шаҳарни эгаллаб олган ваҳобийлар унга ва оиласига таҳдид солмоқдалар.

Иккала томон ҳам ҳеч нарсадан тап тортмай ғалабага қадар жанг қилишга бел боғлаганига ишонч ҳосил қилдик. Биз жўнаб кетишимиздан олдиноқ «вовчик»лар 1380 кишини миллий ўзинийўзи мудофаа қилиш полкига чақирилганини эълон қилдилар. Маҳаллий ҳарбий комиссариатлар уларнинг кўлига мингтадан кўпроқ автоматни топширди. Одамлар ҳарбий билетларига, меъёрий мотоўқчи полк штатига мувофиқ танлаб олинмоқда: миллий полкка механик ҳайдовчилар, тўпларнинг нишонга олувчилари, расчёт командирлари, алоқачилар чақириляпти... «Миллий ўзини-ўзи мудофаа қилиш» полки шаҳардан ташқарида жойлаштирилишини пеш қилишаётган бўлса ҳам, ҳеч кимда хом хаёл пайдо бўлаётгани йўқ: одамларни уруш ҳаракатларига тайёрлашяпти... Бунинг устига Қўрғонтепадаги Россия армияси полки техникасини келгусида қўлга киритишни мўлжаллашмоқда, эслатиб ўтамиз, ҳозир бу техникани атиги 40 нафар офицер қўриқлаб турибди.

Бир-бирига қарши курашаётган томонлар қандай ҳаракат қилишади? Ҳарбийларнинг фикрича, «юрчик»лар ваҳобийларнинг ҳаракатларига жавобан худди шу дивизиянинг Кўлобда жойлашган пиёдалар жанговар машиналари билан таъминланган бошқа мотоўқчи полкини «хусусийлаштирадилар», бу полкда ўттиз нафар офицер қолган. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги пайтда бу шаҳарда афғон урушини бошидан кечирган кишилар Тожикистоннинг бошқа жойларига нисбатан кўпроқ.

«Юрчик»лар ва «вовчик»лар замонавий қуроллар билан зирҳ панасида бир-бирларига қарши жанг бошласалар, бу ҳунрезлик оқибатлари қандай бўлишини айтиш қийин...

РУСЛАРНИНГ ҚОЧИШДАН БОШҚА ИЛОЖИ ЙЎҚ

— Даҳшатга тушиб қолдик, эртага ҳолимиз нима кечишини билмаймиз, — дейди бошқа қочоқ аёллар билан биргаликда Россия полкига зўр-базўр етиб олган Вера Китаевна, — одамларни чинакамига ов қилишяпти. Куйбишев совхозидаги бизнинг бўлимимизга урушгача асосан руслар ва немислар яшаган. Ҳозир йигирматача рус оиласи, фақат битта немис оиласи қолди. Очлик бошланди. Нон ҳам йўқ. Баъзан кўлобликлар ёриб ўтишади — улар озиқовқат билан ёрдам беришади. Яқинда «вовчик»лар бостириб киришди, пулемётлардан ўқ узишди, ўн беш яшар Зина Ерастовани отиб ўлдиришди. Мана, ўша қизнинг онаси — Татьяна ўтирибди. Умуман кўп одамларимиз нобуд бўлди ва бедарак кетди. Мен таниганлар орасида Юрий ва Владимир Костелевлар, Николай Каргов ҳалок бўлишди.. Мени эса... Бу ерда ҳаммамиз гаровга қолган одамлармиз. Қаёққа кетиш мумкин? Йиллаб орттирган бойлигимизни талаб кетишди. Бунинг устига Россияда бизни кутишмаётган бўлса керак...

Бундай гапларни биз кўп эшитдик. Қон тўкилаётганидан, уруш кетаётганидан, рус қабристонлари таҳқирланганидан, православ черковига ўт қўйилганидан шикоят қилишди. Нисбатан осойишталик ҳукм сураётгн Душанбеда ҳамма гап «русий забонликлар»нинг квартирани сотиш ва контейнерларда юк жўнатиш муаммосидан ташқарига чиқмаган экан, яна нима дейиш мумкин. Жўнаб кетиш учун ҳамманинг қурби етмайди. Беш тонналик контейнер учун 30 минг сўм талаб қилишади. Тожикистонда бу жуда катта пул. Чунки бу ерда иш ҳақи — бир ярим-икки минг сўм.

Тожиклардан бошқа барча аҳоли ҳеч муболағасиз тез орада жўнаб кетишни кутиб чемоданларини тайёрлаб қўйган. Ҳамманинг кайфияти ана шундай. Тожиклар эса уруш ҳаракатлари кетаётган жойлардан қочишяпти. Норасмий маълумотларга қараганда ҳозирнинг ўзидаёқ ўттиз мингга яқин одам Қўрғонтепа вилоятидан чиқиб кетди. Афсуски, республика раҳбарияти бу аҳвол ҳақида ҳеч нарса демаяпти, ҳалок бўлганлар тўғрисида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Умуман бу ерда бўлаётган воқеалар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, деган таассурот пайдо бўлади. Қўрғонтепада жанглар давом этаётган, тинч меҳнат билан шуғулланувчиларни ўлдириш, қийноққа солиш давом этаётган пайтда Душанбеда лавозимларни тақсимлашди ва Мустақиллик кунини тантана билан нишонлашди. Мусиқа, қўшиқлар, халқ сайиллари билан нишонлашди.

Айни шу пайтда бир неча ўн километр масофада ҳарбийлар мурдаларни йиғиб олишаётган эди...

Тун. Полк командири Евгений Меркуловнинг хонасида ўтирибмиз. Яқин жойда аввалгидек ўқ отишяпти. Телефон жиринглади. Тожикча лаҳжали овоз эшитилди:

— Але, бу биз, жангарилар гапиряпти. Худо хайрингизни берсин, майорингизни олиб кетинг. Телефон трубкасини унга берайми? Йўқ, у гапира олмайди, яхшиси — бирортасини юборинг..

Майор ўлдирилмаган ёки яradор қилинмаган. У кун бўйи жазирама қуёш нури остида шаҳар кезиб, мурдаларни тўплаган. Шундай бўлдики, бир неча кундан буён кўмилаётган мурдалардан касаллик тарқалиш хавфи пайдо бўлса ҳам ҳарбийлардан ташқари бу иш билан шуғулланадиган одам топилмади. Шу тариқа майор ўз командаси билан оқ байроқ ўрнига сочиқ осиб қўйилган КаМАЗ машинасида шаҳар кўчаларини кезиб юрди. Пешонасини ўқ тешиб ўтиши хавфи бўлса ҳам мурдаларни тўплади. Бу аҳволни кўриб ўзини тута олмади, ҳалок бўлганларни «хотирладди», шундай «хотирладики», «юрчик»лардан бошлаб «вовчик»лар билан тугатди. Қўрғонтепадан жўнаб кетадиган кунимиз Ломоносов қўрғонида қочоқлар қолмаган эди. Уларни олиб кетиши лозим бўлган автобуслар постларда ушлаб турилган, Ўзбекистондан келаётган одамийлик ёрдамиги шаҳарга ўтказишмаган бўлса ҳам, бошпанасидан маҳрум бўлган, таланган кишилар яширинган бу орол ҳувиллаб қолди. Одамлар юк машиналарида, пиёда жўнаб кетишди. Ўша вақтда ҳали тўсиб қўйилмаган бирдан-бир Кўлоб йўли орқали жўнаб кетишди. Болаларини етаклаб, тугунларини кўтариб, визиллаб ўқ остида жўнаб кетишди. Бу ерда қолиш очликдан, мерганларнинг ўқидан ҳалок бўлиш демак эди. Қўрғонда қолганлардан эса ўч олишди. Қўрғон — қалъа эмас, ҳамма кириш-чиқиш йўлларини беркитиб бўлмайди. Бизнинг кўз олдимизда овлоқ йўллардан Ломоносовга автоматчилар тушган «Волга» таксилари ёпирилиб кирар, одамларни машинага босиб орқага қайтиб кетишарди.

УЧИНЧИ КУЧ

Фронт чизиғи Калининобод томон силжиди, тилкапора мурдалар уюмлари ортда қолди.. Аввалига иккала томон ҳам тинч аҳоли орасидаги қурбонларни бир-биридан кўрди, лекин тез орада «вовчик»лар ҳамма кулфатлар учун айбдор бўлган қандайдир «учинчи куч»ни излай бошладилар. Ана ўшанда Ургутмаҳалладаги ур-йиқитни мужоҳидлар кийимидаги рус десантчилари амалга оширди, деган афсона пайдо бўлди. Ҳарбийлар кўлобликларга иккита зирҳли транспортёр ва ўқ-дориларни совға қилишган эмиш. Сурбетлик билан сохта ҳужжатлар тайёрлаш бошланди. Масалан, подполковник Чеботарев музокара олиб бориш учун вилоят ижроия комитетига келган пайтда уни ушлаб, бир хонага олиб киришди. Бу ерда ваҳшийларча калтакланган, қўллари боғлиқ тожик бор эди. Шу заҳоти видеокамера кўтарган одам пайдо бўлди. Ў суратга олишни тугатмагунча Чеботаревни хонадан чиқаришмади. Нима учун шундай қилинганини пайқаш қийин эмас. «Рус офицери тожик деҳқонини қийнамоқда» деган сийқа мавзу эди бу.

Куйбишев совхозидан келган қочоқлар бизга сўзлаб беришди: бир куни «вовчик»лар уларнинг олдига бутун бир суратга олиш гуруҳини олиб келишди ва автомат ўқталиб, қўрқиб кетган одамларни «зарур» гапларни айтишга мажбур қилишди, одамларга ўқталган автоматлар суратга олингани йўқ, албатта.

Иғвогарликни тайёрлаш усули жуда жўн. Масалан, бир куни ваҳобийлар машинада нон олиб келиш учун кетаётган Россия полки прапоршчигини ушлаб олишди. Одамларга азоб бериш жойига айлантирилган ҳаммомга судраб киришди. Столга боғлаб шимини ечишди, унинг бир оёғи ёғочдан эканлигини шундан кейингина пайқашди. Сўнгра унга:

— Оллоҳ жазоингни берган экан... — деб қўл силтаб қўйиб юборишди.

Шу «бахтли» тасодиф бўлмаганида прапоршчикнинг ўлимини кимга тўнкаришларини айтиш қийин.

Умуман иккала томон ҳам олишувга Россия қўшинларини жалб этиш учун бор кучи билан уринмоқда. «Холис ниятли кишилар» мунтазам равишда қисмларнинг командирларини сизларга ҳали замон ҳужум қилишади, ҳужумни кутмай олдинроқ зарба уриш керак, деб огоҳлантиришмоқда. Ўша Қўрғонтепадаги полкда маҳаллий бошлиқлар тез-тез телефон қилиб танкларни олиб чиқиб, «ғанимларнинг» жанговар машиналарини отиб ташлашни талаб қилишларининг гувоҳи бўлдик. Полкнинг қаршисидаги дарахтларда ва деразаларда мерганлар ўтиришибди. Улар кўнгил очишяпти. Гоҳ штаб эшиги устидаги чироқни отиб синдиришади, гоҳ плакатда табассум қилиб турган совет аскарини ўқ билан тешишади, гоҳ кимнингдир боши узра ўқ узиб уни чўчитишади. Жангариларнинг раҳбарларидан мерганларни олиб кетишни илтимос қилишганда улар пинагини бузмай:

— Булар бизнинг одамлар эмас. Уларни ўлдиришингиз мумкин, деб жавоб қилишди.

Башарти ҳарбийлар бу маслаҳатга амал қилсалар, Россия армиясини бетарафликни бузишда, мустақил давлатнинг ички ишларига аралашишида дарров айблашларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тожикистондаги Россия дивизиясининг командири генерал-майор Ашуров ҳам ўз хонаси деразаларини ўқ ўтмайдиган қилиб зирҳлаш ҳақида буйруқ беришга мажбур бўлди. «Вовчик»лар унинг калласи учун беш миллион сўм мукофот ваъда қилишган. Улар учун Ашуров — хоин, унинг ўзи ваҳобийларнинг таянчи бўлган ғармлик. Ҳатто «ўз халқи манфаатларини менсимаганлик учун» вазифасидан олиб ташлашни талаб қилиш мақсадида митинг ўтказишга ҳам уриниб кўришди. Умуман Ашуровга бўйсунган қўшинни Россия қўшини деб аташ қийинроқ. Аскарлар ва сержантларнинг 95 фоизи маҳаллий йигитлардир. Уларга хавфсизлик мақсадларини кўзлаб қурол берилмаган. Қўмондонликнинг бутун умиди разведка батальони ва офицерларда.

...Қўрғонтепадан чиқиб кетадиган пайт келди. Биз жўнаб кетадиган куни эрталаб темир йўлни тўсиб қўйишди. Душанбега борадиган камдан-кам автобусларга одамлар катта пул эвазига жангарилар назоратида чиқарилар эди. Полк командири ўзининг «Уазик» машинасини Қизилқалъага бериб турди, расмий жиҳатдан шу ердаги кўприкда уруш ҳаракатлари зонаси тугар эди. Биз йўлга чиқдик. Худога шукурки «вовчик»ларнинг постидаги тўхтатиш, ҳамма ҳақоратларга қарамай тинтувдан омон-эсон қутулдик. Маъновий хўрлашлардан ташқари аскар шофёрнинг ботинкасини ечиб олишди.

Кутилмаганда Қизилқалъа шлагбауми олдида бизга Испания ЭФЕ агентлигининг мухбири чилилик Бернардо Суареаз Индарт пешвоз чиқди. «Қонталаш нуқталарда» бошқаларга нисбатан кўпроқ ишлаган бу мухбир бизнинг аҳволимизни яхшироқ тушунарди. У транспорт хусусида ёрдам бериш тўғрисида Душанбе билан бефойда музокараларимиздан ҳамкасблари орқали хабар топибди. Агентликнинг розилигини олгач бизни уруш ҳаракатлари зонасидан олиб чиқиб кетишни ташкил қилди...

Душанбега қайтаётганимизда йўл четларида болалар ҳали яхши пишмаган анорнинг бир пақирини юз сўмдан сотиб ўтиришарди. Савдолашиб нархини тенг баравар тушириш мумкин эди. Чунки харидор йўқ. Кўпдан буён бу йўлдан қочоқлардан бошқа ҳеч ким ўтмайди.

(«Известия»нинг 1992 йил 16 сентябрь сонидан).

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

СОҒЛОМ МУҲИТ ЯРАТАЙЛИК

Табиат тақдири — инсон тақдири. Соғлом муҳит яратиш инсон қўлида. Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири экологияни яхшилаш, инсон қалбида табиатга меҳр уйғотишдир.

Мактабимизда соғлом экологик муҳит яратилган. Барча синф хоналаримиз кенг ва ёруғ. Касб таълими устахоналари, ётоқхоналар (6 ёшли ўқувчилар учун) ҳам ўқувчиларнинг яйраб-яшнаб таълим-тарбия олишлари, дам олишлари учун мослаштирилган. Ҳар бир машғулот экология билан боғлаб ташкил этиляпти.

Шу кунларда вилоят халқ таълими бошқармаси, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси, халқ таълими ва фан ходимлари вилоят касаба уюшмаси қўмитаси, ноҳия халқ таълими бўлими «Мактаб ва мактабдан ташқари болалар муассасалари, ҳунар-техника билим юртларида экологияга ойд таълим-тарбия ишлари бўйича кўрик-танлов эълон қилишган. Яқинда мактабимизда шу танловнинг 1-босқичи ўтказилди. Унда жамоанинг барча ўқитувчи-тарбиячилари, фан кабинетлари мудирлари иштирок этдилар. Ўқитувчилардан Қ. Каримов, М. Каримова, Д. Раҳимовалар ғолиб бўлишди ва 2-босқич — ноҳия кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Мактабда гулчилар тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Гулларни кўпайтириш, парвариш қилиш яхши йўлга қўйилган. «Табиат бурчаги» ташкил қилинди. 5—11-синфларда таълим-тарбия олаётган 218 нафар ўқувчи «Ёш экологлар» клубига тортилган ва улар фаол иш олиб бораяптилар. 1991-92 ўқув йилининг ўтган беш ойи мобайнида тувакларда ўстирилаётган гуллар сони 900 тупдан ошиб кетди. Гулларнинг 17 тури мавжуд.

Ҳар йили «Данак» операциясини ўтказамиз. Мевали дарахт ниҳолларини мактаб ер участкасида ўзимиз етиштираяпмиз. Қўшни мактабларга, ўқитувчиларимизга ва қишлоғимиз аҳолисига кўплаб ниҳоллар етказиб бераяпмиз. Мактабнинг 3 сотих ерига ҳар йили мевали дарахт данагини кўмиб, 3 минг туп ниҳол ундириб олишга эришдик. Ҳозирда мактаб ер участкаси ва атрофида 1000 туп мевали, 300 тупдан зиёд манзарали дарахтлар мавжуд. Бу дарахтларни сақлашда анча қийинчиликларга дуч келдик. Мактаб атрофи панжаралар билан тўла ўраб олинмаган эди. Мана шу ўқув йилининг бошида мактаб коллективи ўқувчилар билан ҳамкорликда, ҳамда оталиқ ташкилоти — Киров номли жамоа хўжалиги раҳбарларининг кўмагида лойдан пахса уриб мактаб атрофини тўла ўраб олдик.

Ёш табиатшуносларимиз шифобахш, оқ ва шотутларни кўпайтиришга катта аҳамият бераяптилар. Ана шу мақсадда мактаб ҳовлисида ва теварак-атрофида 280 туп тут ниҳоли ўтказилиб, парвариш қилинмоқда.

Соғлом муҳит яратиш нафақат мактабимизда, балки биз яшаб турган қишлоғимизда ҳам кескин тус олиб бораяпти. Бунда қишлоқ ижроқўми, жамоа хўжалиги бошлиғи бош-қош бўлаяпти.

Р. РЎЗИМАТОВ,
Хоразм вилояти Қўшкўпир ноҳиясидаги Чапаев номли ўрта мактаб директорининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича ўринбосари.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг мухри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

ИСТИҚБОЛНИНГ ОЧИҚ ЭШИКЛАРИ

(Бошн 1-бетда).

Мактабга, жамоага меҳр мактабгача тарбия муассасаларида ривожланади. Ҳозирги кунда 10 мингга яқин мактабгача тарбия муассасаси ишлаб турибди. Уларда 1 миллион 300 мингдан ортиқ кичкинтой тарбияланмоқда. Улар сафига хонадон боғчалари янгилик бўлиб қўшилди. Биз азалдан орзу қилган — бола ота-онаси тарбиясида бўлиши керак деган гап ана шу хонадон боғчаларида ўз аксини топмоқда.

Яна бир янгилик: илк ёшдан бошлаб кичкинтойларга тил ўргатишга катта эътибор берилмоқда. Хива шаҳрининг 8-болалар боғчасида инглиз тили, Тошкент шаҳрининг 206-болалар боғчасида немис тили, Қўқон шаҳрининг 22-болалар боғчасида араб тили 5 ёшдан бошлаб ўйин орқали ўргатиб борилмоқда. Келгусида турк, ҳинд ва хитой тилларига эътибор бериш мўлжалланмоқда. Кичкина иқтидорлар, билимдонларни асосан боғчаларимиз тарбиялаб бермоғи керак.

Сир эмаски, узоқ йиллар бахтли болалик деган дабдабали сўзларни тинимсиз ишлатиб, ана шу бахтлиларнинг ички дунёсидан бехабарроқ бўлиб келдик. Аслида эса болага бўлган эътибор катталарникидан сира кам бўлмаслиги лозим. Биз бугун уларга қанчалик қоқайд, беписанд қарасак, келгусида унинг жавоби юз карра каттароқ бўлиб ўзимизга қайтади.

Ҳозирги пайтда республикамизда 548 та мактабдан ташқари муассаса фаолият кўрсатаяпти. 265 та ўқувчилар саройи, 133 та техник ижодкорлик маркази, 122 та ёш табиатшуносларнинг станцияси, 28 та болалар ва ўсмирлар саёҳат ва ўлкашунослик марказлари ишлаб турибди. Тарбиявий ишлар бўйича муассасалардаги тўгаракларни ва марказларнинг моддий-техника негизини таъминлаш мақсадида жойларда муассасаларимиз молия-тижорат жиҳатидан қайта кўриб чиқилмоқда. Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳамда республика муассасаларида ижтимоий йўналишдаги ёш ишбилармонлар, менеджментлар каби тўгараклар ташкил этилмоқда. Натижада ўз-ўзини таъминловчи тўгараклар сони ортиб бормоқда.

Маълумки, ҳозирги пайтда кашшофлар ва комсомол ташкилотлари ўрнига расмий равишда Ёшлар Иттифоқи ҳамда Болалар ва ўсмирлар уюшмаси тузилган. Биз уларнинг таълим-тарбия соҳасида бизга кўмак беришларини истардик.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жуда кўп соҳалар, тармоқлар қийинчиликлар гирдобига чалинди. Ана шунинг турли кўринишлари бирин-кетин намоён бўлмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларининг кўпчилиги оғир иқтисодий шароитда яшай олмай, корхона, ташкилот, жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги раҳбарлари томонидан маҳаллий бюджетга ўтказилмоқда. Ёки бутунлай фаолиятини тўхтатмоқда. Масалан, биргина Қорақалпоғистон Республикасида тўртта, Андижон вилоятида 6 та, Бухоро вилоятида 5 та, Жиззах вилоятида 15 та, Қашқадарё вилоятида 3 та, Самарқанд вилоятида 15 та, Тошкент шаҳрида 11 та мактабгача тарбия муассасаси маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилди ёки ёпиб қўйилди. Айрим корхоналарга қарашли боғчаларда эса ота-оналар томонидан тўланадиган пул 80 сўмдан 900 сўмгача етказилди. Шулар жумласидан, Тошкент шаҳридаги «Ўзбекхлопкомаш» ташкилотига қарашли 294-болалар боғчасида 900 сўм, «Малика» трикотаж бирлашмасининг 493-боғчасида 240 сўм, тўқимачилик комбинатига қарашли 1, 3, 9-болалар боғчасида бу рақам 460 сўмни ташкил қилмоқда. Бу ҳол жуда кўп ота-оналарни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бизнинг ҳурматли ҳокимларимиз, турли даражадаги раҳбарларимиз бу масалани ижобий ҳал қилишларидан умидвормиз. Чунки болаларимизнинг соғлиги, уларнинг маънавий бақувват бўлиб ривожланиши жамиятимизнинг эртасини белгилайди. Руҳсиз, кайфияти синиқ болалар қанча кўпайса, билингки, жамият, жаҳон олдидаги мавқеимиз шунчалик паст бўлади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганидан бери икки ойдан ошиқ муддат ўтди. Қонунда умумий таълим уч босқич: бошланғич, таянч бўғинини ташкил этувчи асосий ва ўрта босқичдан иборат қилиб белгиланди. Тўққиз йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Халқ таълимининг ҳар бир ходими, унинг фидойисиман дегани, ота-оналар, ўқувчилар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари, мактаб партасидан бошлаб ўғил-қизларимизга унинг мағзини чақиб беришлари лозим.

Ўқувчининг билим олишига, касб танлашига талаб кучая борган сари таълим-тарбия ходимларига ҳам талаб кучаяди. Мактабларга чин билимдонлар эгалик қилади. Дарсликлардаги эски мавзуларни миллий руҳ, миллий асосда тўлдириб, ўқувчиларга етказиш ишлари бошлаб юборилди. Бу, айниқса, тарих, адабиёт, жуғрофия фанлари ўқитувчиларига тааллуқлидир. Кузатган бўлсангиз, шу бир-икки йил орасида рўзнома, ойномаларда тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимизга оид жуда кўп чиқишлар, мунозара, тавсиялар бўлди. Миллий фикрлаш кучайди. Саводхон ўқитувчига керакли манбалар жуда кўп. Ана шу жойда асл маънодаги изланувчанлик керак.

Бундан кейин, шароит яратиб беринг, деган эски тушунчадан воз кечамиз. Изланишни, қобилиятни, билимдонликни, ишбилармонликни ўлдириб келган бош қусур — фақат нажот кутиб яшаш оқибатидир. Мактабни асраш, унинг халқ мулки эканлигини тушунтириш ҳар бир зиёлининг, ота-онанинг асосий бурчидир.

Биз шу кунга қадар лицей, гимназия, колледж деган сўзларни билардик, холос. Ҳозирги кунда республикамизда 19 та лицей, 13 та гимназия ишлаб турибди. Турли йўналишли бу янги мактаб турларида минглаб ўғил-қизларимиз ўқишни бошлаб юбордилар. Бунинг ҳаммаси мустақиллик меваси. Алоҳида фанларга ихтисослашган мактабларимиз бундан кейин яна кўпайиб бораверади. Биргина Туркиянинг Силм ширкати республикамизнинг 7 та шаҳарида лицей очди. Бу билим ўчоқларида туркиялик мутахассислар билан бир қаторда ўзимизнинг билимдон ўқитувчиларимиз ҳам дарс берадилар. Дарслар турк, инглиз, ўзбек тилларида олиб борилади. Кўринриб турибдики, ўқувчилар биратўла 3 та тилни мукаммал ўрганадилар.

Ҳамма даврларда ҳам Ватан, халқ тақдирини қобилиятли, билимдон кишилар ҳал қилган. Қобилиятсизлар қаерга боради, деган савол туғилади. Умуман, қобилиятсиз деган сўз бу нисбий тушунча. Афсуски, биз уни салбий маънода қабул қиламиз, бу ҳам бизга ўтган кунлардан мерос бўлиб қолди. Аслида ҳар бир касб-кор эгасида бетакрор қобилият бор. Болалар ҳақида гапирадиган бўлсак, қобилиятсиз боланинг ўзи йўқ, фақат ҳар бир болани унинг қизиқиши, зеҳнига қараб йўналтириш керак. Бола агар қулф бўлса, ўқитувчи унинг калитидир.

Агар мактаб бағрида ўқувчини у ёки бу касбга йўналтирсак, касбга меҳр уйғотолсак, марра бизники. Унда меҳнат эҳтиёжга, қувончга айланади. Ишда унум ва сифат бўлади.

Болалар иқтидори ҳақида сўз кетганда, ўз-ўзидан ўқитувчилар иқтидори, ижодкорлиги хусусида ҳам гапириб ўтиш керак. Шу йилнинг октябрь ойи ўрталарида республикада биринчи марта ижодкор ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг адабий анжумани ўтказилади. Бу борада бизга ижодий уюшмаларимиз кўмакка келади. Ҳозирги кунда ўқитувчиларнинг бадиий ижод намуналари ўз газетангиз — «Маърифат» саҳифаларида мунтазам ёритилмоқда.

Шунингдек, тасвирий санъат ва музика ўқитувчилари уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан кейин, умуман, ихтирочи, ижодкор ўқитувчиларга катта эътибор бериб борилади.

Мактабларимизга янги руҳ кирди, деганимда халқ таълимининг барча тизимларига мустақиллик берилганини эслатиб ўтмоқ жоиз. Энди мактабларимиз чет элдаги турдош ўқув муассасалари билан бевосита алоқа қилишлари мумкин.

Янги ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги ҳунар-техника билим юртлари фаолияти, ўқитилаётган дарслар сифати тубдан ўзгарди. Эгасизлик йўқотилди. Бу даргоҳларда билим олувчилар энди тор мутахассислик бўйича эмас, зарур, кенг касб-корни эгаллашга киришдилар. Шу муносабат билан ҳозир вазирликлар билан ҳунар билим юртлари ихтисослари эҳтиёж асосида қайта кўриб чиқилмоқда. Ҳозирги кунгача 130 билим юртидаги касблар бозор иқтисодиёти муносабати билан қайта кўриб чиқилди. Ният — мустақил Ўзбекистонимизнинг завод ва фабрикаларини, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини малакали миллий кадрлар билан таъминлашдан иборат. Бу ишларни қисман чет эллар билан ҳамкорликда амалга оширмоқдамиз. Ҳозир Туркияда 300 га яқин талабаларимиз ҳунар ўрганишмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси шу бир йил орасида қилинган ишларни чамалаб кўрса, қаноат ҳосил қилади. Аммо қилиниши зарур бўлган ишлар ундан ҳам кўп. Биргина халқ таълими тизимларида олиб борилаётган ишларнинг ўзи буни кўрсатиб турибди. Режалаштирилган ишларимиз бир талай. Фақат уларни билимдонлик билан амалга ошириш керак.

Ж. ИЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.

** Академик Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига*

ЁРҚИН ЮЛДУЗ



Улуғ боболаримиз ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби алломаларимиз минг йиллар аввал алгебра, минерология, астрономияга асос солганлар, бу соҳаларнинг илмий-амалий ечимларини ишлаб чиққанлар. Асримизнинг 20-йилларида эса уларнинг қутлуғ изларидан борган буюк алломалар ҳам она-диёримизда етишиб чиқдилар. Ана шундай нурли сиймолардан бири, дунёвий аллома, ҳозирги замон геология фанига асос солган Ҳабиб Абдуллаевдир. Олим таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш ва унинг илмий меросини ўрганиш ва нашр қилиш ҳақидаги Президентимизнинг махсус фармони, фан ва техника равнақи учун қилинган буюк ғамхўрлик намунасидир. Буюк аллома дунё геология фани равнақига асос солди ва 50 ёшида ўзига нурли ҳайкал қўйиб кетди. У айни куч-ғайратга тўлганида Ўрта Осиёда юзлаб геологик илмий ечимларни халқ хўжалигига жорий этаётганда, турғунлик қузғунлари унинг илдизига болта урди...

Ҳабиб Абдуллаев ўт-оловли ва турғунлик йилларида фанимизни ойдин йўлга олиб чиққан, фан уфқларида порлаган ёрқин юлдуз эди. Унинг ярим асрлик ҳаёт йўллари нур билан тўлган. У 1912 йил 31 августда Қирғизистоннинг Аравон қишлоғида Абдулла Мирмуҳаммад ўғли оиласида дунёга келган эди. Ҳабиб ака дастлаб Қирғизистонда собиқ комсомол ишларида тобланди. Унинг илмий қобилиятини сезган кишилар 1930 йили Ўрта Осиё давлат университети тайёрлов курсига ўқишга юборишди. 1930 йил октябрь ойида дорилфунунга ўқишга қабул қилинди. 1935 йилдан бошлаб муҳандис-геолог сифатида «Средазгеолтрест» геология қидириш партиясига бошчилик қилади. 1935 йил ноябрь ойида Москва геология қидирув институтига ўқишга кирди. 1939 йили у «Лангар вольфрам кони геология ва генезиси» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Сўнг шу институт аспирантураси бошлиғи, кафедра ассистенти бўлиб ишлади. У кейинчалик Ўзбекистонга ишга қайтди. Бир қанча масъул вазифаларда фаолият кўрсатди. Дастлаб Ўрта Осиё индустриал институти тоғ факультети, фойдали қазилмалар кафедраси доценти, Ўрта Осиё политехника институтининг директори, собиқ Ўзбекистон Марказкоми саноат бўлими мудири, Министрлар кенгаши раиси муовини, Госплан раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, кейинчалик вице-президент, СОПС раҳбари, геологияким ё бўлими раиси, Республика Фанлар академияси президенти бўлиб ишлади. 1962 йил 20 июнда вафот этди.

Жамоа ишларига 17 ёшида кириб келган Ҳабиб Абдуллаев 29 ёшида давлат ва халқ арбоби даражасига кўтарилди. Улуғ Ватан уруши йиллари Ўзбекистон саноатини бошқарди. Фронт эҳтиёжларини таъминлаш учун йирик саноат корхоналари қурилишларига бошчилик қилди. У 1948 йилдан умрининг охиригача ўз ҳаётини Ўзбекистон Фанлар академияси билан узвий боғлади, бу ташкилотни янги, юқори босқичга кўтарди.

Ҳ. Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси (1947 й.), 1958 йилдан СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Буюк Британия минерология ва Франция геология жамиятлари ҳақиқий аъзоси (1960 й.), 1950 йилда Мехико, 1961 йилда Копенгагенда бўлиб ўтган халқаро геология конгресслари қатнашчиси бўлди. Фандаги жуда катта илмий-назарий ишлари учун Ленин ва Беруний номидаги мукофотлар соҳиби бўлди. Бир қанча орденлар билан мукофотланди.

У илм-фан соҳасида дунёвий кашфиётлар қилган забардаст ва энг эътиборли академик эди.

Талабалик давридаёқ унга В. Обручев, В. Наливкин каби машҳур академикларнинг назари тушган эди. У 1946 йили Давлат режа комитетининг раиси бўлиб турганида, докторлик диссертациясини ёқлади ва геология фанида бутунлай янги ғояларни олға сурди. Юзлаб илмий мақолалар ва фундаметал асарлар яратди.

Лекин олимнинг ғоялари аввалига тан олинмади, унинг қарашлари юзасидан илмий баҳслар бошланиб кетди.

Эллигинчи йиллари биз, академия аспирантлари ва кичик илмий ходимлари, интрузия, дайк, шиелит деган гаплардан хабаримиз йўқ эди. Бироқ Ҳ. Абдуллаевнинг 1950 йилда чиққан «Рудаланишнинг гранитоид интрузиялари билан генетика боғлиқлиги» китоби атрофидаги бўлаётган мунозаралардан четда қолмас эдик. Аввало, мухолифлар гапларини диққат билан эшитиб, уни тушунишга ҳаракат қилардик. Уларнинг қарашларига Ҳ. Абдуллаев қандай жавоб қилар экан, деб ўйлар эдик. Мунозаралар охирида ўрта бўйли, тўладан келган босиқ, гўзал йигит минбарга чиқарди. У асабийлашмасдан, ҳаётий фактлар билан мухолифлар мулоҳазаларини чил-парчин қилиб ташлар, сўнг жилмайиб конференция залидан чиқиб кетарди. У Ҳабиб Абдуллаев эди.

Бу баҳслар бизлар учун ҳаётий сабоқ бўлди. Кейинчалик бундай азоблар бизларнинг ҳам бошимизга кўп марталаб тушди ва шунда Абдуллаев каби инсонлар рамзи бизга мададкор бўлди.

Ҳ. Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академиясига раҳбарлик қилган даврни — бу илм-фан тараққиёти соҳасида муҳим ва салмоқли йиллар деб ҳисоблайман. Фанда янги йўналишлар очилди, саноат корхоналари қурилиши ҳамда республика сиёсий-иқтисодий тараққиёти ҳақида катта тадқиқотлар амалга оширилди.

Бу даврнинг энг муҳим белгиларидан бири — етук илмий ходимлар танлаш соҳасида инқилоб қилинишидир. Ўша вақтда Президиумда илмий кадрлар тайёрлаш ва уларни жойжойига қўйишда М. Файзиев катта ишларни амалга оширди. Ҳ. Абдуллаев тузган аспирантурага М. Аброров бошчилик қилган эди. Мингга яқин аспирантлар Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск каби илмий марказларда сабоқ олганлар. Камина ҳам шуларнинг бири эди...

Ҳабиб Абдуллаев Академиямизда янги илмий йўналишлар ва илмгоҳлар ташкил қилишда ташаббускор бўлди. Геология соҳасида геология ва геофизика, газ ва нефть конлари геологияси ва қидириш, гидрогеология ва муҳандислар геологияси, Ўрта Осиё геологик ва минерал хомашё илмгоҳлари очилиши унинг номи билан боғлиқдир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Кибернетика ва ҳисоблаш техникаси соҳаларига Ҳ. Абдуллаев асос солди.

1956 йили домламиз М. Ўрозбоев тавсияси билан мен шу илмий марказда ҳисоблаш техникаси бўлимига бошчилик қила бошладим. Илмий маскан ҳар томонлама мустаҳкамланди. Бу, албатта, Ҳабиб Абдуллаевнинг ғамхўрлиги ва ташкилотчилигининг самараси бўлди.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 50 йиллиги нишонланади. Фикримизча, бу тантана Ўзбекистонда ҳозирги замон фанини барпо этган алломалар хотирасини эсга олиш ва тиклашга бағишланади.

Ҳ. М. Абдуллаев номи тилга олинар экан, у кишининг умр йўлдоши Фотима опамиз ҳақида гапирмай бўлмас. У билан олдин бир мактабда бирга ўқиганман... Фотима опанинг Пўлат, Рустам ва Раъно деган фарзандлари бор. Ҳабиб Муҳамедовичнинг серташвиш, шиддатли ҳаётида Фотима опамиз фарзандлари билан ҳамдард ва таянч бўлганлар. Ҳали ҳам Фотима опамиз ва уларнинг фарзандлари мен учун энг азиз инсонлардир.

Устознинг муборак номлари уларнинг порлоқ хотираси ҳамиша биз шогирдлари қалбида, халқимиз қалбида муҳрланган. Унинг илмий ишлари касбдошлари онгини машъаладек ёритиб турибди. Фанимиз кўксида ёрқин бир юлдуз порлайди — бу академик Ҳабиб Абдуллаевнинг нурли сиймоси ва руҳий нурли оламидир.

В. ҚОБУЛОВ,
академик.

БОҒБОН МУАЛЛИМ

Ҳамидулла аканинг асли касби ўқитувчилик. У ёшлигидан табиатни севади, боғбонликни яхши кўради. Одатда, даҳаларга борганимизда, кўп қаватли уйлар олдида тартибсиз экилган чинор, қарағай, қайин сингари манзарали дарахтлар осмону фалакка бўй чўзиб ўсган, тагларидаги доим хазон билан қопланиб ётган хунук манзарага кўзимиз тушади. Аммо баъзи жойларда ток, ўрик, гилос, олма, қизилсултон яшнаб туради. Уларнинг остига экилган булғор гаримдори, қулупнай, помидор ёки хилма-хил гуллар чиройли манзара касб этганидан кўзингиз қувнайди.

Яқинда пойтахтимизнинг ибн Сино мавзесидаги 18-уй рўпарасидаги кичик бир боғ олдида тўхтадик. Боғ ичида ҳурматли домла Ҳамидулла ака набиралари билан бегона ўтлар, етилган болғар қалампири ҳосилини йиғиб олаётган эканлар. Биз у киши билан саломлашиб, суҳбатлашиб қолдик.

— Домла, илгари Сағбон кўчасидаги боғда яшаганингиздан хабарим бор. Энди «дом»га кўчиб келибсиз. Қандай турмуш кечираяпсиз, боғбон одамсиз, зерикиб қолмаяпсизми?

Ҳамидулла ака ички дард билан деди:

— Тошкент чинни заводи «Гуручариқ» ва «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида яшовчи 300 дан ортиқ хонадоннинг ерини корхонани кенгайтириш учун эгаллаб олди. 50 тупдан ортиқ ҳосилга кирган дарахтлари бўлган боғимиз ўрнига бизни шаҳар чеккасидаги 9 қаватли «дом»га жойлашди.

— Бу ерда ҳам, кичик бўлса-да, боғ яратишга киришибсиз-да?

— Ҳа, ёшликдан боғбонликка меҳрим зўр. Бобом, раҳматлик Йўлдош ҳожи Наврўзбой ўғли жуда миришкор одам эдилар. У кишининг Хотинкўприк тумани (ҳозирги жумҳурият ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўрнида)да яратган 1 гектарга яқин боғи бутун районга машҳур эди. Бобом доим: «Кимки бир бўйра ерни эъзозлаб экин экмаса, гуноҳкор ҳисобланади, табиатга зуғум қилган бўлади», — дер эдилар. Мен ҳам шу насиҳатга амал қилиб «дом»имиз олдидаги тошлоқдан иборат 2 сотих ерни боққа айлантирдим. Мана, мевали дарахтлар яшнаб, бу йил шафтоли билан гилос ҳосил берди. Ёз чоғлари аёллар, болалар шу боғ соясидан, мева-чевалардан баҳраманд бўлишади.

— Домла, пенсияга чиққач, боғдан ташқари, яна қандай юмушлар билан шуғулланяпсиз?

— «Дом»да яшаётган бўлсам-да, кундалик матбуотдан хабардор бўлиб тураман. Айниқса, зиёлилар газетаси «Маърифат»ни ўқиб бораман, баъзан унда ўз мақолаларим билан қатнашиб тураман. Ўзим ишлаган Шастри номли 24, Собир Раҳимов номли 133 ва ибн Сино мавзесидаги Аъзамхон Рустамов номли 262-ўрта мактабда тез-тез бўлиб тураман. Йиғилишларга таклиф этишади. Болаларга ахлоқ-одоб тўғрисида сўзлаб бераман.

— Ҳамидулла ака, Сиз 50 йилдан ортиқ ўқитувчилик қилдингиз. Тарбиявий ишлар ташкилотчиси, илмий бўлим мудири ва директорлик лавозимида ҳам ишладингиз. Айтинг-чи, ҳозирги ёшларимиз билан бундан 30 — 40 йил илгариги ёшлар ўртасида тафовут борми?

— Ҳа. Масалан, 50 — 60-йиллардаги ўқувчилар кўпроқ илм олишга қизиқиб, ихлос билан ўқишарди. Катталарга, айниқса, ўқитувчиларга бўлган ҳурматлари яхши эди. Шўх бўлсалар-да, айтганимизни бажарардилар ва ота-оналаридан ҳайиқиб турардилар. Шу туфайли бўлса керак, ўша вақтда ўқиган собиқ ўқувчиларимиздан давлат арбоблари, фан докторлари, ёзувчи, журналистлар ва санъаткорлар кўплаб етишиб чиқди. Минг афсуски, 70—80-йилларда ўқиган ўқувчиларимиздан ишбилармон ёки ҳақиқий ўқимишли олимлар етишмаётир.

— Домла, ўз орзуларингиз ҳақида ҳам сўзласангиз.

— Ёшим 70 га борган бўлса-да, яхши ниятларим бор. Маълумки, 20—30-йилларда биз кабиларни ўқитишда, тарбиялашда жонини фидо қилган кўплаб педагогларимизнинг номи унутилиб кетди. Мен шуларни иложи бориче ахтариб топмоқдаман. Келгусида улар тўғрисидаги тарихий ҳужжатларни йиғиб Ўқитувчилар уйи қошида ташкил қилинаётган Жумҳурият педагоглари тарихи музейига топшириш ниятидаман. Ҳозирча 10 га яқин ўқитувчиларнинг ҳужжатини излаб топдим.

Иккинчи энг муқаддас орзуим Маккаи мунавварага ҳаж қилишдир.

Биз моҳир муаллим, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, 70 ёшда ҳам йигитлик ғайрати сўнмаган Ҳамидулла ака Йўлдошев билан хайрлашар эканмиз, дилимизда у кишига нисбатан фахр туйғулари уйғонди. Ўз умрини эзгуликка бахшида этаётган бу инсонга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Саъдулла ШОДИЕВ.

• Шарқ табобати дурдоналари

«МАННЕН» УЗОҚ УМР ВАЪДА ЭТАДИ

Ҳар куни ишга келишда пештоқига «Ўзбекистон — Қурия саломатлик «Маннен» қўшма корхонаси» деб ёзилиб қўйилган кўримсизгина бино олдидан ўтарканман, булар кишиларга не каромат кўрсатаркин, дея ўйланиб қолардим. Таҳририят топшириғи улар иши билан яқиндан танишишимга туртки бўлди.

Бундан икки йил муқаддам Тошкентдаги «Саломатлик» кооператив маркази ташаббуси билан синов тарзида фаолият бошлаган бу корхона бир йилча ўтгач, ўзининг нақадар инсонларга асқотишини сезди. Шундан сўнг тўлақонли равишда ишга киришилди. Шимолий Қуриядан келган бир гуруҳ даволовчилар профессор Ким Ги Хо бошчилигида беморлар жонига оро кирита бошлашди.

— Бу ерда беш нафар даволовчи врач ҳамда бир дорихоначи хизмат кўрсатишади, — дейди қўшма корхона бош директори Жаҳонгир Абдураҳмонов. — Улар ўзлари билан ҳозирда беморларни дарддан халос этишда ишлатилаётган барча дори-дармонларни олиб келишган. Асосан улар шифобахш гиёҳлардан тайёрланган. Ўзимизнинг еримизга кўникиб кетармикин, деб «Кассии» чойини экиб кўрдик. Натижалар кутилганидан зиёда чиқди. Ҳозир Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 50 гектар жойига шу чойдан экилган. «Кассии»нинг хосияти жуда кўп. Ундан кўриш, эшитиш қобилиятини тиклашда, ҳазм қилиш аъзолари ҳамда буйрак фаолиятини яхшилашда фойдаланилади. Шу билан биргаликда Кореяда ўсадиган ивлива кўз ёшлари, женшень ўсимликларидан тайёрланган турли хил малҳамлар ҳам мижозлар дардини енгиллаштиришга хизмат қилаяпти.

Эрамиздан аввалги I ва II асрларда Хитой, Япония, Ҳиндистон, Монголия, Непал каби Шарқ мамлакатларида юзага кела бошлаган массаж ҳамда игна билан даволаш услуби «Маннен»да ҳам асосий ҳисобланади. Даволовчи врач Цой Ун Унинг айтишича, Кореяда бундан 270 йил илгари шифобахш ўсимликлар игна ва қуйдириш билан даволаш каби анъанавий Шарқ табобати услублари умумлаштирилиб, тиббиётнинг бир тармоғи сифатида ривожлантирила бошлаган экан. Улар ўша давр ҳакими Хей Жуннинг бу соҳадаги ишларини эъзозлашаркан., Бу усуллар ёрдамида нерв фаолияти билан боғлиқ бўлган барча хасталиклар, юрак-қон томир, ошқозон-ичак, аллергия, нафас олиш аъзолари, бош оғриғи ва шу каби бирталай касалликларни даф этиш мумкин. Танамиз юзасида биз билган-билмаган мингга яқин нуқталарнинг ҳар бири организмимизнинг қайсидир аъзосига тегишли. Уларга игна билан таъсир этиш йўли билан дарддан фориғ этиш ҳадисини олишган қуриялиқларнинг енгил қўлларидан шифо топаётганлар ҳамда шифоталаблар талайгина.

— Юзимнинг ўнг томон нервлари шамоллашидан азоб тортардим. Бугун бешинчи марта бу ерга келишим. Анча тетиклашиб қолдим, — дейди Юнусободдаги 3649-жамғарма банки ишчиси Роза Хегай. Турли хил хасталиклар билан нажот истаб бу ерга келганларнинг барчаси даволовчилар шаънига илиқ сўзларни айтишди.

Қуриялик табобатчиларнинг Ўзбекистонда иш олиб бориши жараёнида маълум даражада ойдинлашган ҳудудимизда кўп учрайдиган касалликлар билан қизиқдим. Бу саволимга даволовчи Цой Ун У шундай жавоб қилди:

— Ҳар жойнинг ўзига хос ажойиб табиати, манзараси ва иқлими бўлгани каби, афсуски, касаллиги ҳам бўлади. Биз қисқа фурсат бўлса-да, сизнинг республикангизда тери ва нафас олиш аъзолари аллергияси, экзема, импотенция (жинсий ожизлик), тумов каби касалликларнинг бошқаларига нисбатан кўплигини аниқладик. Буни бизга мурожаат этаётган мижозлар айтиб турибди. Албатта, ишонч билан ҳузуримизга келган ҳар бир киши руҳини кўтариб, унга соғлиқ ваъда қиламиз.

Шунингдек, «Маннен»да замонавий электроигналар, лазер нури билан даволаш ҳам мавжуд. Соч тўкилиши безовта қилаётган кишилар ҳам бу ерда даво топади. Ишдан толиқиб, ланжлик аломатини сезсангиз, «Маннен»нинг оромбахш массажлари сизни тетиклаштириб, теварак-атрофга теран кўзлар билан қарашингизга кўмаклашади. Негаки, улар биз билмаган танамиздаги мингга яқин нуқталарни адашмай топишади. Хуллас, қуриялик қўли енгил шифокорлар сизнинг хизматингизга тайёр.

Абдусамат РАҲИМ.

Кутлайлик!

Муҳтарам ҳамкасбимиз Азимжон Абдураҳмон ўғли!

Азиз умрингизнинг энг жўшқин даврини ёш авлод тарбиясига бағишладингиз. Эзгулик йўлидаги хизматларингиз бесамар бўлмади. Мактабимизда Сизнинг саъй-ҳаракатингиз туфайли таълим-тарбия ишлари равнақ топди. Биз Сиздек раҳбар билан бир жамоада меҳнат қилаётганимиздан беҳад бахтиёрмиз.

Устоз! Дилда ҳаяжон, ёниқ эҳтирос ила Сизни таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан қизғин қутлаймиз! Улуғ айём кунингизда жамики орзу, тилакларингиз рўёбга чиқсин! Қутлуғ йўлингиз нурафшон, умрингиз ҳаёт каби эзозли бўлсин! Саломат бўлинг!

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ ИЛА ТОШКЕНТДАГИ АЪЗАМЖОН РУСТАМОВ НОМЛИ МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Кутлайлик!

Ҳурматли Эрмамат Абнрович АБИРОВ!

Мана ўн беш йилдирки, республикамизга қўли гул бинокорларни тайёрлайдиган техникумга раҳбарлик қилиб келяпсиз. Сизнинг бош-қошлигингизда техникум колледжга айлантирилди. Шу давр мобайнида ўқув ишларини такомиллаштириш ниятида қўшимча дарсхоналар, устахоналар, спорт иншоотлари иш бошлади. Ҳар жиҳатдан колледж бир талай кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаб келяпти.

Умрингизнинг 60 йиллик тўйи арафасида дўстларингиз ва ҳамкасбларингиз Сизга битмас-туганмас соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилаб қолади.

Дўстингиз Жўрабой ХОЛМАТОВ.

Кутлайлик!

Қадрли устозимиз Алиқул ака БОБОНАЗАРОВ!

Яқиндагина илм уммонида сузиб юрган каттакон кемалар қаторига қайиқча мисол қўшилган 64-саккиз йиллик мактаб жамоасини бирлаштириб, камолотни маёқ дея олга жилишимиздаги раҳнамолигингиз таҳсинга лойиқ.

Таваллудингизнинг олтмиш йиллиги нишонланаётган ушбу кунда биз Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ҳамда онлангизга тинчлик-тотувлик тилаб қоламиз.

НУРОБОД РАЙОНИДАГИ МУНИС ХОРАЗМИЙ НОМЛИ 64-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

САРДОР МАҲМУД

Шарқ тарихи

ИНГЛИЗЧАДАН ШАМОЛИДДИН ҲАМДАМ ВА ШАРИФ ХОЛМУРОД ТАРЖИМАСИ

Қуфа ва Басра. Дарвоқе, биз Ироқ жанубидаги топилган чодир уйлардан иборат иккита шаҳарчани кўрдик. Бу Фурот дарёси бўйидаги Қуфа ва Дажла ҳамда Фурот дарёлари туташган жойда қарор топган Басра шаҳарчалари бўлиб, улар аста-секин кенгайиб, катта шаҳарларга айланган эдилар. Али ўзига пойтахт қилиб белгилаганидан кейин Қуфа жуда катта аҳамият касб этди. Тез орада шу икки шаҳарча ўзларининг қулай жойлашуви туфайли Форс, Шом ва Ғарбий олам ўртасида кўприк вазифасини ўтаб, мусулмон маданиятининг муҳим маркази бўлиб қолди. Кўпгина буюк ёзувчилар, мутафаккирлар, шунингдек, қонуншунослар шу икки шаҳардан чиққан. Ҳадислар (анъаналар) тўғрисидаги фан айни шу ерда вужудга келди. Бу илм Пайғамбар амалиёти, шариат қонунлари, жумладан, Қуфа ҳамда Басрада пайдо бўлган сўфийлик таълимотлари асосида Қуръон ғояларини тафсирлаш тартибини ташкил қилади. Буюк мусулмон оламининг мутасаввуфи ва табаррук зоти Ҳасан ал-Басрий бу шаҳар диний ҳаётининг асосий зийнати эди. Ўзи ҳаётлигида муридлари орасида у сингари ҳурмат-эътибор қозонган киши жуда камдан-кам топилади. Ҳақиқий зиёлиларга хос тарбия, диний амалиёт ва диний эътиқодлар тўғрисидаги энг мақбул ва манзур фикрларга ҳам Басрада асос солинди. Восил ибн Ота дастлабки мусулмон мутафаккири эди. У кейинчалик Мутаъзила номли тафаккур мактабига асос солдики, аббосийлар даврида бу жуда катта шуҳрат таратди. Буларнинг ҳаммаси умавийлар инқирозга учрагунларига қадар арабларнинг тафаккур тарзи ҳаммани ва ҳар нарсани уйғотиб улгурганлигини кўрсатади.

IV БОБ

ИСЛОМ ИСПАНИЯДА

Мусулмон Испаниясидаги ишлар аҳволи. Ватанида одамларни қиличдан ўтказиб, ўзларига йўл очган аббосийлар қисқа муддатда давлат тепасида мустаҳкам ўрнашиб олдилар. У ер-бу ерда қўзғолонлар кўтарилиб турар, бироқ икки аббосий уларга биринчи бўлиб қатъий чек қўйди. Лекин Ифриқияда ва олис Испанияда кўп жиҳатдан бунга осонликча эришолмадилар. Испанияда ишлар аҳволи бирмунча муддат нохуш бўлиб турди. Араблар билан барбарлар жанжаллашиб қолдилар. Очиқ-ошкора, кескин аралашган бўлмасалар ҳам, ҳар ҳолда бир-бирлари билан илгаригидек яқин эмасдилар. Устига устак шимолий ва жанубий араблар эндиликда бир-бирларига очиқдан-очиқ қарши ҳаракат қилаётган эдилар. Бунинг устига Испания ҳукумати заифлашиб қолганди. Кейинчалик умавийлар фитналарга берилиб кетиб, ҳокимларни шу даражада тез-тез алмаштирадиган бўлиб қолдиларки, бу зўрга турган давлат хавфсизлиги учун катта зарар эди. Бундай ҳолат хорижийлар ғоясини бутун Мағрибда ёйиш иштиёқида бўлган барбарларга дадиллик бағишлади. Халифа Шом қўшинини барбарлар қўзғолонини бостиришга юборди. Қўшин топширилган вазифани бажаргач, Испания бўйлаб юришни давом эттирди. Бу шомликларнинг иттифоқ тузганлигини энглатарди. Уларнинг қўмондони Балж ибн Башир қулай вазиятдан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга киритди ва ўзини Қурдоба (Кордова) амири деб эълон қилди. Лекин ҳокимият тепасида узоқ ўтирмади, унинг ўрнини бошқа бир ҳоким эгаллади. Шундай қилиб, бир неча йил давомида ҳокимлик тахтига 23 кишининг бири миниб, бири тушиб турди. Мусулмонлар Испаниясидаги бундай тартибсизликлар шароитида давлат битта зарбаданоқ осонгина кунпаякун бўлиши аниқ эди.

Абдураҳмон. Энг сўнгги умавий шаҳзода Абдураҳмон Сеутага йўналганида мусулмонлар Испанияси худди шу аҳволда эди. У Фаластиндан бошлаб бутун йўлини ниқоб кийган ҳолда содиқ бир хизматкори ҳамкорлигида босиб ўтди. Ҳаёти хавф-хатар остида қолганда, қанча марталаб ўзини гаровга қўйиб ҳаракат қилди, лекин жасур ва тадбиркор йигит ҳамма тўсиқларни босиб ўта олди. Онасининг қариндошларига етиб борганида ундан зарур ёрдамни аямадилар. Сал ўтиб, у катта қўшинга эга бўлди. Шундан кейин Испания устидан ўтиб, Иберия ярим оролини забт этишга киришди. Кетма-кет шаҳарларни қўлга киритиб, ниҳоят, аббосий ҳоким Юсуф ал-Фихрийни енгиб чиқди. 750 йилда вилоят пойтахти Қурдоба таслим бўлди. Шундан кейин у бутун мусулмонлар Испаниясига ҳокими мутлақлик қилиб, мамлакатни аббосийлар халифалигидан бутунлай ажратиб оларкан, Қурдобада умавийлар амирлигига асос солдики, мазкур сулола шу ерда яна 300 йилга яқин ҳукмронлик қилди.

Абдураҳмон сирларини ошкор қилади. Шу даврда иккинчи аббосий халифа — қудратли ал-Мансур Бағдодда подшоҳлик қилар эди. Унга ҳатто олис Испаниядаги умавий ҳукмдорнинг номаълум хатти-ҳаракатлари ёқинқирамади. Натижа шу бўлдики, у ал-Ала билан ибн Мўғис исмли ҳокимини танлаб, кучли қўриқчи кучлар қуршовида Испания тождори сифатида шу ёққа жўнатди. Испан халқи ал-Алани ўз ҳокимлигига қабул қилиш учун қудратли аббосий халифанинг исмини эшитиши бас, деб ўйлаган, лекин Абдураҳмон қандай одам эканлигини ҳисобга олмаган эди. Ал-Ала Қурдобага етиб келиб, Ифриқияда аббосийларга мансуб кучлардан тўплаган қўшинлари жуда камлик қилди. Абдураҳмон уларни осонликча енгиб, ал-Ала ҳамда унинг ҳарбий бошлиқлари ва маслаҳатчилари танасини бошидан жудо қилди. Кесилган бошларни эса бўхчага солиб, зарбоф шойи газламага ўраб-чирмаб халифа ал-Мансурга совға қилиб жўнатди. Тугун очилганда ал-Мансур бошчилигидаги бутун аббосийлар саройи донг қотиб қолди. Ҳоким ва унинг маслаҳатчилари бошларини кўрган ал-Мансур: «Оллоҳга минг қатла шукурким, у шундай душмандан мени дангиз-лар ёрдамида асраб турибди!» — дея хитоб қилди. Буни ҳошимийлар унутмаган бўлсалар, ҳойнаҳой, умавийлар ҳам эсдан чиқаришмаганди.

Буюк Карлнинг Испанияга юриши. Абдураҳмон ҳали ўз душманларини тўлиқ даф этолганича йўқ эди. Шомда тахтни зўравонлик билан эгаллаган Балжнинг ўғай ўғли ибн Башир энди фаранг қироли Буюк Карлдан мадад кутарди. Карл насроний лар учун курашчи сифатида машҳур эди. У мусулмонларга имкони борича зарар етказиш ниятида таклифни жон деб қабул қилиб, катта қўшин билан етиб келди, чунки у аббосийлар билан элчилар алмашганди, кейинчалик эса аббосий халифалик ҳукмдори улуғ Хорун ар-Рашид билан дўст тутинди. Ўша даврда Оврупонинг энг катта буюк насроний қуролбардори (рицари) бўлган жияни Роланд, унинг жасур дўсти Оливер ва дониёлик Ожиер раҳбарлигида барча қуролбардорларни бошлаб келди. Карл Пиренеяни босиб ўтиб, мусулмон қўшинлари билан бўлган бир неча жангда қатнашаркан, жуда кучли қаршиликка учради. Шу аснода ўзи яқиндагина қўлга киритган саксонлар Олмонияси исён кўтарганлиги тўғрисидаги хабар унинг қулоғига етади. Кучларнинг бир қисмини олиб, орқага йўл олади, уларнинг бошқа бўлагини Роланд бошчилигида қолдириб кетмоқчи бўлганида, у ҳам қайтиб кетишга ижозат сўрайди. Бундай вазият мусулмонларга жуда қўл келиб, улар Роланд қўшининнинг орқасидан зарба беришади. Франклар эса кўплаб шиддатли ҳужумларни қайтаришга мажбур бўлдилар. Пиренея тоғлари ўртасига бориб етган Роланд қўшинлари устига маҳаллий тоғликлар ёпириладилар. Роланд ифодалаб бўлмайдиган танг аҳволга тушиб қолган эди. Лекин мард жангчи чекинмасдан олишувга қарор беради. Бўлиб ўтган саваш қўшиқлар ва афсоналарга мавзу бўлиб қолди. (Фаранг қаҳрамонлик достонидаги «Шансе де Роланд» ёки «Роланд ҳақида қўшиқ»да жангдаги бош воқеа тўғрисида куйланади). Роландниг қаҳрамонларча курашган ботир лашкарларига нисбатан кучда беқиёс тоғликлар ўз рақибларининг ҳаммасини қиличдан ўтказадилар. Оғир ярадор бўлган Роланд бор кучи билан ўзининг машҳур шоҳкарнайини янгратиб чалади. Афсоналарда бу карнай сеҳрли хусусиятга эга бўлганлиги хусусида гап кетади. Унинг товуши, даъвати кўплаб чақирим масофадан эшитилиб турарди. Роландниг қалбларни ларзага солувчи даъвати унинг анча узоқда бўлган амакиси Буюк Карл қулоғига ҳам етиб боради. У Роланд хавф остида қолганлигини дарҳол пайқаб, орқага қайтишга ошиқади, бироқ, афсуски, вақт бой берилган эди. Роланд ва унинг шериклари мангуга кўз юмишганди. Ўша Ронсвел жангидаги мағлубиятдан руҳи тушиб кетган Буюк Карл Испанияга ҳужум қилишга жазм этолмади.

Абдураҳмоннинг ютуқлари. Абдураҳмон халифаликка даъвогар эмасди. У ўзини амир деб аташ билан шахсий мавқеини мустаҳкамлаб олган эди, холос. Ғоят истеъдодли бу киши тараққийпарвар кайфиятда бўлиб, кейинги қамал пайтида зарар кўрган барча шаҳарларга товон тўлади, ариқлар қаздириб, суғориш шохобчаларини ривожлантирди, янги мевали боғлар яратиб, ажойиб бинолар бунёд эттирди. 786 йили у ўз номи билан боғлиқ фусункор иморат — Қурдобадаги Масжид ал-Қурдобага пойдевор қўйдирди, унинг қурилишини Абдураҳмоннинг авлодлари ниҳоясига етказдилар. Мазкур жоме масжиди испан мусулмонлари санъати ёки баъзан номланишича, мавритан санъатининг мафтункор намунаси бўлиб қолди. Абдураҳмон ҳам мусулмонларнинг муросасиз гуруҳларини — араблар, барбарлар, шомликлар, африқоликлар, янги мусулмонлар ва, ҳатто, готларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг интилишлари муваффақият келтирди, испан мусулмонлари 250 йил мобайнида бир оила бўлиб яшаб, Овруподаги энг жозибадор маданиятларини такомиллаштириш билан бирга Шарқда аббосийлар диққатини ҳам тортиб турдилар. Испания араблари Оврупога устозлик хизматини ўташди, Қурдоба, Толедо ва Севилья дорилфунунлари эса араблар, ажам халқлари, шунингдек, насронийлар ва яҳудийлар учун ҳам маданият ва олижаноблик манбаи бўлиб келди. Абдураҳмон забт этилган халқларга ҳамда Ислом дунёсининг бошқа халқларига бир хил муносабатда бўларди. Уларни Ислом динини қабул қилишга, мусулмон қонун-қоидалари ёки анъаналарига бўйсунишга мажбурламади. Қариялар, ёшлар ва руҳонийлар солиқдан озод қилинди. Қисқаси, бу ажойиб ҳокими мутлақ янги тартибларни — янги турмуш тарзини жорий этди.

Ал-Ҳакам (796 — 822-йиллар). 788 йили Абдураҳмон вафот этгач, унинг ўрнини Ҳишом I исмли ўғли — ажойиб инсон, ўз ҳаётини ўқишга ва хайрли ишларга тўлиқ бағишлаган киши эгаллади. 796 йилда тахтга ўтирган Ҳишомнинг ўғли бўлмиш ал-Ҳакам отаси ва бобосига мутлақо ўхшамай, кўплаб бемаънигарчиликларга йўл қўйди. Араб тилини билмайдиган калондимоғ ғайридинлардан тан-соқчилар тутди. Улар билан аҳоли орасида доимо англашилмовчиликлар келиб чиқарди. Бир неча марта исён ҳам кўтарилиб, ал-Ҳакам уларни шафқатсиз бостириб турди, оқибатда минглаб испан араблари мамлакатдан бош олиб чиқиб кетдилар. Уларнинг кўплари кемаларда Шарққа томон йўл олиб, Юнонистондан жануброқда жойлашган Крит оролини ишғол этишди. Бу орол 150 йил араблар ҳукмронлиги остида бўлди.

(Бошн ўтган сонларда).

(Давоми бор).

● ТИЛ — ДИЛ КАЛИТИ

ЎЗ ТИЛИНГДА ҚУВОНСАНГ-У...

Одатда, бир катта иш бошлангач, у ҳақда дастлаб, тинмай гапирилади-ю, бироз вақт ўтгач эса, лов этиб ёнган аланга мисоли, унга иштиёқ сўна боради. Тил тўғрисидаги Қонун чиқарилгач, ҳам худди шундай ҳол вужудга келганга ўхшайди. Узр, мен бу гапларни районимиз миқёсида бўлаётган бу борадаги ишларни кўриб-билиб айтяпман. Ҳанузгача, йўллардаги, дўкон пештоқларидаги, турли идора ва ташкилотлардаги ёзувлар аввалги ҳолича турибди.

Ёшликдан қулоққа қуйилган ёки кўз билан кўрган нарса бир умрга хотирага михланади. Шуни англаган ҳолда бизнинг район халқ таълими бўлими бир талай юмушларни амалга оширди. Аввало, ишни кўзга кўринарли жойлардаги шиорлар, деворий газеталар ва шунга ўхшаш нарсаларни ўзбекчалаштиришдан бошладик. Албатта, бу каби ишлар ҳам маълум миқдорда маблағнинг сарфланишини келтириб чиқарди. Бироқ жойлардаги жонкуяр мактаб директорлари, муаллиму ўқувчиларнинг бу савобли ишга хайрихоҳлиги аҳволни бирмунча енгиллатди.

Ҳозирда бу борадаги юмушнинг энг асосийси — яъни ҳужжат ва иш қоғозларини ўзбекчага ўгириш тугалланиш арафасида. Юзаки қараганда, ҳаммаси силлиққина кўчганга ўхшаса-да, бироқ етмиш йилдан ортиқ бировнинг созини чалиб келиб дабдурустдан ўзининг навосини чиқариш анча мушкул экан. Қулоқларимиз фақат справка, отчёт, пропуск деган сўзларга ўрганиб қолганмикин, бошида маълумотнома, ҳисобот, рухсатнома сўзлари эриш туюлди. Йўқ, кейинчалик кўникиб қоларкансан киши.

Юқоридаги ишлар масаласининг бир томонига ойдинлик киритади. Иккинчи томони эса ўқитиш ва ўқиш борасида қандай тадбирлар белгиланаётганлигидир. Яқин кунларгача биз ўрисча билмаганни «маданиятсиз» деб ҳисоблардик. Тил билиш яхши-ю, бироқ ўз забонини оёқ ости қилиб, бошқа тилни ўрганиш ўзлигини йўқотиш эканлигини унутмаслик керак. Мактаб дастурида ўрис тилига кераги-дан ортиқча эътибор берилди. Гуруҳлаштириб ўрис тилини ўрганиш, ўрис тили муаллими маошини бошқаларникидан нисбатан кўпроқ қўйиш қабилидаги ишлар. Районимизда ўрис тилида дарс олиб бориладиган биргина мактаб бор. Яширишнинг ҳожати йўқ, наинки бўлса, навбатсиз уларга бериларди. Яхши меҳмон мезбоннинг ҳам ҳурматини жойига қўяди. Афсуски, буни билишмади. Сийлаган сайин, бошингга чиқиб, оёғи билан сени кўрсатадиган бўлди. Шукрким, замонлар ўзгарди. Истиқлолга эришдик. Айни кунларда ўша мактабда маҳаллий халқ тилига нисбатан кўнгилданми, мажбуранми, ишқилиб, ҳайрихоҳлик пайдо бўла бошлади.

Умуман олганда, райондаги барча мактабларда ўзбек тили обрўсини тиклаш борасида ишлар авжида. Бу фан соатлари кўпайтирилиб, муаллимларга эътибор кучайтирилган. Ажаб эмаски, яқин йиллар ичида ўз ўзанимизга тушиб қолсак.

Мусурмон НОРМАТОВ,
Нуробод район халқ таълими бўлими мудири.

Оила даврасида

ХУЛОСА ШУКИ...

Айрим ёш педагогларимиз ота-она билан учрашганларида: «Нега болангиз ёмон ўқийди?», «Нега унга чора кўрмайсиз?», дея саволлар беришади. Хўш, буни тарбия деса бўладими? Йўқ, албатта. Бу билан биз уларнинг шахсига теккан, дашном берган бўламиз. Ота-она билан педагогик суҳбат ўтказилганда, тарбиянинг машаққатли сирларини уларга англатиш лозим бўлади. Шу ўринда ҳаётий бир мисол келтираман. Мен раҳбарлик қилаётган синфда бир қиз ўзининг характери, муомаласи, тантиқликлари билан кўпчиликнинг ғашига тегар, ҳатто устозлари юзига ҳам тик қарашгача бориб етарди. Мен унинг отаси билан учрашиб, воқеани баён этдим. Шунда оила бошлиғининг ўзи тарбияга муҳтож эканлиги кўзга ташланиб қолди.

Эртаси дарсдан кейин қизнинг онаси ҳузурига бордим. У мени уйга таклиф қилди, кирдим. Энг муҳими, ота ҳам уйда экан. Суҳбатимиз бир пиёла чой устида бошланди. Мен воқеани онага такрор баён этдим. Она отани койиди ва бу масалада ёрдам беришга ваъда қилди. Қиз бир неча кун дарсга бормади. Суриштирсам, онаси унга тегишли жазо берган. Шу-шу бўлди, ҳалиги қиз синфда одобли ўқувчига айланди.

Хулоса шуки, биз педагоглар ота-оналар билан иш олиб борганда, суҳбатнинг моҳиятини уларга усталик билан тушунтиришимиз керак. Шундагина биз ота-оналар билан алоқани мустаҳкамлаймиз ва тарбияда бир бутунлик яратамиз.

М. ЭРГАШЕВ,
Сурхондарё вилояти Бойсун ноҳиясидаги А. Икромов номли ўрта мактаб ўқитувчиси.

● *Инсон ва қонун*

ЗАРУРИЙ МУДОФАА ЧЕГАРАСИ

...Улар машъум ниятларини амалга ошириш учун гапни бир ерга қўйишди. А. Толипов ва Т. Исоқбеков иккови шериклари О. Очилов ва Ф. Худойберганов билан тил бириктириб, аёзли тун қоронғусида Тошкент шаҳрида яшовчи Ҳ. Абдуллаевнинг машинасини ўмаришга чоғланишди. Чақирилмаган «меҳмон»ларнинг шарпасидан ҳушёр тортган уй эгаси уйда сақлаб келаётган ов милтиғининг жиноятчиларни огоҳлантириш учун тепкисини босади.

Кўзлари қонга тўлган жиноятчилар ортига қайтишни ўйлашмасди ҳам. Ўзи ва оиласи ҳаёти хавф остида қолганини сезиб, уй эгаси жон ҳолатда пичоқ билан ташланган Худойбергановга ўқ узади. Тенгсиз олишувда машина калитини қўлга киритган Очилов, Толипов ва Исоқбековлар «Жигули» машинасини олиб қочадилар. Шериклари — ярадор Худойбергановни ор-қа ўриндиққа жойлашади. Сал ўтмай унинг нафас олмаётганини сезиб, жасадни кўчага ташлаб кетишади...

Яккасарой районида рўй берган бу ҳодиса айбдорлари қилмишига яраша жазоландилар. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунлари мажмуасининг 127-моддаси 2-қисмига биноан, Толипов 11 йил, Исоқбеков 9 йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди.

Жабрланувчи Ҳ. Абдуллаев ўзини ҳимоя қилиш учун ўқ узган, яъни зарурий мудофаа чорасини кўрмоқчи бўлган, акс ҳолда унинг ўзи жиноятчилар гуруҳининг қурбони бўларди. Лекин бундай мудофаанинг чегараси борми? Бу ҳақда тушунтириб беришни Тошкент шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи Рустам Акбаровдан илтимос қилдик.

— Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ёшларимиз ўртасида жиноятчилик бирмунча кўпайгани сир эмас. Айниқса, талабалар орасида арзимас сабаблар билан жиноятга қўл ураётган ёшлар кўплаб учраяпти. Бундай кимсаларга қарши мудофааланиш мумкинми? Умуман, бу ҳақда қонун нима дейди?

— Қонун ҳуқуқий тартибни қўриқлаш манфаатларини кўзлаб, фуқароларга безорилар, талончилар, бандитлар ва бошқа жиноятчилардан фаол муҳофазаланиш ҳуқуқини беради. Бундай зарурий мудофаа ҳар бир шахснинг аҳлоқий бурчи ҳисобланади.

Зарурий мудофаа давлат манфаатлари, жамоат ёки шахс манфаатларини қўриқлаш мажбурияти зиммасида бўлган шахслар учун мажбурийдир. Бу шахслар зарурий мудофаадан бош тортганларида, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Масалан, қоровул ўзи қўриқлаётган объектга тажовуз бўлганда, мудофаага ўтиши ёки милиция ходимини чақириб безорига қарши чора кўриши ҳуқуқий бурч ҳисобланади.

— Ҳаракатни зарурий мудофаа йўсинда қилинган, деб ҳисоблаш учун қандай шартлар мавжуд бўлиши керак?

— Ҳаракатни зарурий мудофаа деб ҳисоблаш учун бир қатор шартлар белгилаб қўйилган. Жумладан, тажовуз ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф бўлиши шарт. Шунингдек, тажовуз мавжуд бўлиши, яъни бошланган ва давом этаётган бўлиши шарт. (Лекин ҳали бошланмаган бўлса-да, бўлиши очиқ-ойдин кўринниб турган ҳолда ҳам тажовузнинг рўй бериши ва ёмон оқибатларга олиб келишини кутмай, фаол мудофаланишга йўл берилади.) Тажовуз ҳаёлий эмас, ҳақиқий амалда бўлиши керак.

Бундан ташқари, мудофаланишга нисбатан шундай шартлар ҳам мавжудки, жумладан, мудофаа тажовуз қилувчига нисбатан бўлиши, мудофаа қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши зарур. Мудофаа зарурий чегарадан четга чиқмаган бўлиши талаб этилади.

— Зарурий мудофаа қилинган деб ҳисобланган ҳолатлар суд тажрибасида тез-тез учраб турадими?

— Агар суд тажрибасига назар ташласак, суд томонидан тажовузга нисбатан зарурий мудофаа қилинган деб топилган ишлар оз бўлса-да учраб туради. Жумҳуриятимизда мустақиллик эълон қилинганидан кейин, судлар ҳуқуқининг кенгайтирилиши одил судловнинг амалга оширилишида катта омил бўлди ва ҳозирги кунларда ҳаракатни зарурий мудофаа йўсинида қилинган деб ҳисоблаш ҳоллари нисбатан ортди. Ҳатто, ҳужум қилувчининг ўлимига сабаб бўлган ҳаракат ҳам зарурий мудофаа деб ҳисобланган суд ишлари мавжуддир. Бунга мисол қилиб юқоридаги Тошкент шаҳар Яккасарой районн халқ судида Н. Ш. Рустамов раислигида кўриб чиқилган жиноий ишни келтириш мумкин.

— Жабрланувчи Абдуллаевнинг ҳаракатида зарурий мудофаа қилиш аломатлари борми?

— Ҳа, бор. Гарчанд дастлаб тергов органлари бу ҳодисадаги зарурий мудофаанинг чегарасидан четга чиқилган аломатлари йўқ эмас, деб қараган бўлса ҳам. Лекин айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаси ва далилий ашёлари батафсил текшириш оқибатида жабрланувчи Абдуллаев томонидан зарурий мудофаа йўсинида қилинган хатти-ҳаракат деб топилди.

— Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиққанлик учун қонунчилик томонидан жазо белгиланганми?

— Аввало, зарурий мудофаадан қандай ҳолларда четга чиқилган деб тушунилади? Бу ҳақда батафсилроқ айтиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Тажовузнинг характери ва хавфсизлик даражасига бутунлай мувофиқ келмаган мудофаани зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Тажовуз қайтарилгач, унинг яна бошланиш хавфи бўлмаганда, мудофааланувчи томонидан ўз рақибини ўлдириш ёки баданига шикаст етказиш зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб ҳисобланмасдан, ўч олиш мақсадида қасддан қилинган жиноят деб топилади.

Энди зарурий мудофаа чегарасидан четга чиққанлик учун жазо чорасига келсак, қонун томонидан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб ҳужум қилувчини ўлдириш ва унинг баданига оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган.

— Рустам Аҳматович, милиция ходимлари ёки бошқа масъулиятли ходимлар учун, зиммасида мулкни қўриқлаш мажбурияти бор бўлган кишилар учун зарурий мудофаа ҳуқуқий мажбурият ҳисобланиши аниқ. Демак, улар зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб ҳаракат қилишлари мумкин экан-да?

— Йўқ, бундай эмас. Қонуний ҳаракатларга қарши, масалан, мансабдор шахснинг ёки жамоат тартибини қўриқловчи шахснинг қонуний ҳаракатига қарши мудофааланиш мумкин эмас. Лекин мансабдор шахс ўз ҳуқуқи чегарасидан четга чиқиб зўрлик ишлатса, унга қарши мудофаага ўтиш мумкин ва зарур бўлади.

Суҳбатдош: А. ҲАСАНОВ.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тираж 44521.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12